

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

“Ҳимояга рухсат этилсин”

факультет декани

_____ Н.Ш.Бекмуратов

“ ____ ” _____ 2013 й.

5140800 – “Педагогика ва психология” факультети 404-гуруҳ талабаси

Жовунов Комил Қўлдошевичнинг

“Ўсмирлик даврида агрессив ҳолатларни намоён бўлишининг гендер
фарқлари”

мавзусидаги битирув малакавий иши

“Ҳимояга тавсия этилсин”

Илмий раҳбар: _____

“Амалий психология” кафедраси

пс.ф.н., доцент в/б Б.М.Ботиров

муdiri _____

Тақризчилар: _____

пс.ф.н., доцент. С.Х.Джалилова

Пс.ф.н., доцент Турсунов Л.

“ ____ ” _____ 2013 й.

Пс.ф.н., доцент Халилова Н.

ТОШКЕНТ – 2013

РЕЖА:

КИРИШ.....	3 бет
I-боб. Агрессия тушунчасининг операционализацияси ва ўсмирлардаги агрессив хулқ-атворни ўрганишга бағишланган фалсафий-психологик манбаалар таҳлили.....	7 – 29 бетлар
1.1. Агрессия тушунчасининг операционал тавсифи.....	7 бет
1.2 Шарқ мутафаккирларининг агрессив хулқ-атвор ҳақидаги карашлари.....	20 бет
Боб бўйича хулосалар.....	29 бет
II-боб. Агрессив хулқ-атвор ва ижтимоийлашув муаммосини ўрганишнинг методологик муаммолари.....	30-47 бет
2.1 Агрессив хулқ-атворни ўрганишдаги методологик муаммолар хориж психологлари талқинида.....	30 бет
2.2 Ўсмирлар ижтимоийлашувининг ижтимоий-психологик хусусиятлари.....	42 бет
Боб бўйича хулосалар.....	47 бет
III-боб. Ўсмирларда агрессив хулқ-атвор намоён бўлишининг гендер фарқларини экспериментал тадқиқ этиш.....	48-63 бет
3.1 Ўсмирларнинг ўз-ўзини баҳолаш структураси агрессив хулқ-атвор детерминанти сифатида.....	48 бет
3.2. Агрессив хулқ-атворнинг гендер фарқлари.....	53 бет
Хулосалар.....	63 бет
Тавсиялар.....	64 бет
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	65 бет
Иловалар	68 бет

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги.

Ўзбекистон Республикаси ўз Мустақиллигини жаҳон миқёсида йил сайин барқарорлаштириб борар экан, унинг истиқболи бугунги авлоднинг билимдон, маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб етишишига боғлиқ. Ўзининг мустақил тарққиёти йўлидан бораётган Ўзбекистон Республикаси истиқлолининг илк йиллариданоқ шахс камолати, ривож, маънавий баркамоллиги ҳамда шахс ва жамият манфаатларининг ўзаро уйғунлашуви жараёнига муҳим кадрият сифатида қараб, таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, илмий кадрлар тайёрлашни замон талаблари даражасига кўтариш масаласини устувор соҳа сифатида белгилаш оид (1).

Ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига ҳар қачонгидан ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Бу даврда фикрлайдиган, ижод қиладиган ёшларни тарбиялаш энг асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки қайси жамият кўпроқ маънавий етук, руҳан пок, жисмонан соғлом комил инсонларни тарбиялаб вояга етказса, ана шу жамият барқарорлик ва баркамолликка эришиши муқаррардир. Республикамизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда таълим тўғрисидаги қонунни қабул қилишни баркамол авлодларни тарбиялашдаги дастлабки қадамлардандир. Таълимнинг жамиятимизни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий тараққиётидаги беқиёс аҳамияти инобатга олиниб, 1997 йил Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да шахс камолоти асосий масала сифатида эътироф этилиб, таълим тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш уни замон талаблари даражасига кўтариш асосий мақсад қилиб олинди.

Дарҳақиқат келажак авлод ҳақида қайғуриш соғлом, баркамол, комил инсонни тарбиялаб, вояга етказишга интилиб яшаш ўзбек халқининг миллий хусусиятларидан биридир. Маълумки таълим-тарбия онгнинг маҳсули ва онгнинг даражаси бўлиши билан бирга онгнинг ривожланишини ҳам белгилайдиган омиллардан биридир. Инсон моҳиятан онг эгаси, у ақл йўриғи

билан иш тутадиган одамзот. Унинг бошқалардан фарқи ҳам ана шундадир. Демак шахснинг хатти - ҳаракати, хулқ-атвори, инсонларга муносабати, вазифаси ва бурчини англаш даражаси ҳам онг маҳсули саналади. Онг феъл-атворимиз доирасида намоён бўлади ва ақлимиз даражасини белгилайди.

Шахсга доир индивидуал тараққиёт самарасини ҳамда инсонлараро муносабатларни белгиловчи хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатларнинг энг муҳим характеристикаларидан бири агрессивликдир. Ҳозирги кунда инсонларда кузатилаётган агрессив ҳолатларни намоён бўлиш сабабларини аниқлаш, деструктив хулқ-атворни олдини олиш ёки назорат қилиш муаммоларини ўрганиш психологлар учун долзарб масала бўлиб келмокда. Бугунги кунда ота-оналар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг аксарияти фарзандлар билан айниқса ўсмирлик ёш давридаги болалар билан муомала муносабатларида бўлиш мураккаблашиб бораётганлигини таъкидлайдилар.

Бугунги кунда ўсмирларнинг ижтимоий мослашмаганлиги муаммоси долзарб масала сифатида қаралмокда. Айниқса бу омил агрессив ўсмирлар сонини ортишига ўз таъсирини кўрсатмокда. Бизга маълумки, инсон одобли ёки одобсиз, олижаноб ёки эгоист, жиноятчи ёки соғлом хулқли шахс бўлиб дунёга келмайди. Балки шахсдаги у ёки бу хилдаги хусусиятлар ва установкалар кишининг ижтимоий ҳаёт фаолияти, уни қуршаб олган объектив шарт-шароитлар ва воқеа-ҳодисалар таъсирида вужудга келади. Ушбу шарт-шароитлар ва объектив муносабатлар характери индивиднинг шахс сифатида шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади. Демак, айтиш мумкинки, ижтимоий турмуш шарт-шароитлари пировард натижа инсон хулқ-атворининг шакл ва тамойилларини белгилаб беради.

Шундай экан бу масалаларни яхшилаш, оилада соғлом муҳитни шакллантириш, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш ва шу орқали ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсонлар бўлиб, шаклланишини таъминлаш ҳар бир оила аъзосининг, маҳалла куйининг, раҳбариятнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий ва муҳим вазифаси бўлмоғи даркордир.

Юқоридагилардан агрессивлик муаммоси нафақат ҳозирги кунда, балки инсониятнинг таракқиёти мобайнида ҳам қанчалар долзарб бўлиб келганлиги аён бўлмоқда.

- Тадқиқот мақсади:

Ўсмирлик давридаги агрессив хулқ-атворнинг таркиб топишига таъсир этувчи объектив омиллардан бўлган гендер детерминантларни ўрганиш.

- Тадқиқотнинг илмий фарази.

Бизнингча, ўсмирлардаги ўзини-ўзи баҳолаш хусусиятлари агрессив хулқ-атвори вужудга келишига таъсир қилиши, унда гендер фарқлар кузатилиши ва улар зиддиятли вазиятларни енгиб ўтишга ёрдам берувчи хулқ-атвор механизмлари орқали ўз ифодасини топиши мумкин.

Тадқиқот вазифалари:

Муаммога тааллуқли психологик ва педагогик манбаларни қиёсий таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

Ўсмир ёшдаги агрессив хулқ-атвор мотивларининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш;

Ўсмирлардаги агрессив хулқ-атвори экспериментал тадқиқ этиш, Тадқиқот натижаларини математик - статистик таҳлил қилиш;

Педагогик психологик тавсиялар ишлаб чиқиш.

- Тадқиқот объекти: 60 нафар ўсмир.

-Тадқиқот предмети:

Ўсмирлар агрессив хулқ-атвори, ўзига-ўзи берган баҳоси, зиддиятли вазиятларни бартараф этиш билан боғлиқ механизмлар хусусиятлари.

- Тадқиқот базаси.

Тошкент шаҳри, Сергели туманидаги 322 мактабда таҳсил оловчи ўқувчилар

- Тадқиқот методлари.

1. Кузатиш методи.

2. Суҳбат методи. Тадқиқотнинг мазмун моҳиятидан келиб чиққан ҳолда мақсадли суҳбатлар уюштирилди.

3. Басс ва Дарк томонидан ишлаб чиқилган, Осницкий томонидан модификация қилинган “Агрессия шакллари ва кўрсаткичларини динамика қилиш” методикаси.

4. “Хулқ атвордаги копинг-стратегиялар” сўровномаси.

5. Шахснинг ўз-ўзига берадиган баҳосини аниқлашга ёрдам берадиган Лири-Собчик методикаси.

6. С.Розенцвейгнинг фрустрацион тести

- Тадқиқотнинг методологик асоси.

Тадқиқотнинг методологик асоси қилиб психикани табиий сараланиш жараёнида инсониятнинг қадимги аجدодлари олдида турган адаптация муаммоларини ечишга мўлжалланган эволюцион ёндашувнинг назарий тамойилларини; “Бихевиоризм” оқими; Басс ва Дарклар томонидан илгари сурилган шахсдаги тажовузкор хулқ-атвор шакллари намоён бўлишининг ижтимоий психологик феномен ғоялари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг ёшларни тарбиялаш ҳақидаги фикрлари тадқиқотнинг методологик асоси қилиб олинди.

- Тадқиқотнинг назарий аҳамияти.

Агрессия хусусидаги маълумотлар умумлаштирилганлиги ва муайян тизимга келтирилганлиги натижасида умумий психология, педагогик психология, ёш давлари психологияси, ижтимоий психология, шахснинг ижтимоийлашув муаммоси психологияси, хулқи оғишганлар психологияси, психодиагностика ва психокоррекция соҳаларининг амалий материаллари билан бойитилиши мумкин.

- Тадқиқотнинг амалий аҳамияти.

Олинган натижаларни ота-оналарга, педагог ва психолог мутахассисларга, малака ошириш курслари тингловчиларига, ташҳис марказлари ходимларига, амалиётчи психологларга, мактаб психологларига тадбиқий материал сифатида тавсия этиш мумкин.

I-боб. Агрессия тушунчасининг операционализацияси ва ўсмирлардаги агрессив хулқ-атвори ўрганишга бағишланган фалсафий-психологик манбаалар таҳлили.

1.1. Агрессия тушунчасининг операционал тавсифи.

Инсон фаоллигини ўзига хослиги шундаки, у муттасил бошқа одамлар ёки ўзи яратган нарсалар билан ўзаро муносабатда кечишидадир. Улар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштирувчи табиий қонунлардан ташқари ижтимоий ҳаётнинг гоҳида муносабатлар вариативлигини муайян даражада белгилаб турувчи ахлоқий нормаларнинг қатъий қоидалар шаклидаги қонунлари кучга киради. Пировардида инсонлараро ўзаро муносабатларни идора қилувчи бир-бирининг хатти-ҳаракатини ва хулқини, шунингдек бошқа инсонларга қаратилган хусусий ҳаракатларни баҳолаш тизими ишга тушади. Инсонлар томонидан белгиланадиган муносабатларни акс эттирувчи мазкур баҳоларнинг нисбийлиги асосий фалсафий ва ахлоқий масаладир. Кимнингдир нуқтаи-назарига кўра заруриятдай туюладиган нарса бошқа бир инсон учун нафақат бефойда, балки зарарли деб ҳисобланиши мумкин, бир маданиятда маъқул саналган нарса бошқа бир маданиятда номаъқулдек эътироф этилиши мумкин [4].

Шахсга доир индивидуал тараққиёт самарасини ҳамда инсонлараро муносабатларни белгиловчи хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатларнинг энг муҳим характеристикаларидан бири агрессивликдир. Психологияда “агрессия” тушунчаси турлича ёндашув асосида таҳлил қилинган бўлиб, бир гуруҳ тадқиқотчилар агрессияни негатив хулқ-атвор модели сифатида баҳоласалар, яна бир гуруҳ тадқиқотчилар бу хулқ-атворнинг позитив томонлари ҳам мавжудлигини таъкидлайдилар [8].

Биз, - деб ёзади Р. Кратчфилд ва Н. Левинсонлар – агрессия ахлоқийликнинг зидди демокчи эмасмиз: зотан агрессиянинг баъзи бир шакллари ахлоқсизлик сифатида қарамайди. Бироқ у аксарият ҳолларда ахлоқсизликдир, шунинг учун ахлоқийликни ўзлаштирилишига маъсул механизмлар агрессив импульслар ижтимоийлашуви негизида ҳам ётади.

Улар агрессиянинг икки бир-бирини инкор этмайдиган ва бирдай мақбул тавсифларини берганлар. Биринчиси, хулқ-атворнинг зохирий (ташқи) аломатларига асосланади: “Агрессия” - кимгадир зиён етказувчи хулқ-атворнинг ҳар қандай кўринишидир. Иккинчиси, одамнинг ботини (ниятлари) билан боғлиқ, яъни инсонни ҳаракатга ундовчи кучларни ўрганиш билан англаш мумкин бўлган ҳолатлар билан муштарак: “Агрессия - бошқа бир инсонга зиён етказишни мақсад қилиб олган ҳар қандай хатти-ҳаракатдир” [5].

Агрессиянинг юқоридаги зикр этилган тавсифларига монанд тушунчаларга таянган ҳолда кўпгина психологлар агрессияни жонли оламнинг, яшаш учун кўраш билан боғлиқ, узвий характеристикаси деб ҳисоблайдилар.

В. Клайн агрессивликнинг салбий жихатларини инкор этмаган ҳолда агрессияда “маълум маънодаги соғлом жихатлар” ҳам мавжуд бўлиши, улар фаол ҳаёт кечириши учун асқотиши мумкинлигини эътироф этади.

Агрессия ва агрессивлик тушунчаларини бир-биридан ажратиб таҳлил қилиш лозимдир. Агрессия - бу одамлар, одамлар гуруҳига нисбатан жисмоний ва руҳий зарар етказишга қаратилган индивидуал ёки жамоавий хатти-ҳаракатлар мажмуи бўлиб ҳисобланади. Агрессивлик - шахснинг нисбатан барқарор хусусияти бўлиб, у агрессияга тайёргарликни ифодалаш билан бирга душманлик асосида бошқаларнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатини қабул қилиш ва тушунишга мойилликни билдиради. Агрессивлик барқарорлик кучи ҳамда шахс тузилишининг бир қисми сифатида хулқ-атворнинг умумий тенденциясини олдиндан аниқлаш имкониятига эга бўлади. Демак, агрессия - бу жисмоний ёки руҳий зарар етказишга йўналтирилган ҳар қандай хулқ-атвор шаклидир. Ушбу таърифда таъкидланишича, агрессия - бу эмоция ёки мотив эмас, балки хулқ-атвор моделидир. Гарчи агрессия аксарият ҳолларда ҳақоратлаш ёки зарар етказишга интилиш билан боғлиқ бўлган мотивлар асосида ҳамда негатив эмоциялар жумладан, қаҳр, ғазаб, тажанглик билан боғлиқ тарзда ассоциация

қилинди. Албатта, юқоридаги омиллар агрессив хулқ-атворга маълум маънода катта таъсир кўрсатади, лекин уларнинг мавжудлиги бундай хулқ-атворни юзага келишида зарур бўлган шароит ҳисобланмайди. Агрессиянинг хилма-хил таърифлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- Бошқаларга хавф солувчи ёки зиён етказувчи ҳар қандай хулқ-атвор агрессия деб аталади. (Басс).
- Бошқаларни ҳафа қилиш, уларга зиён етказиш нияти бўлган хатти-ҳаракатлар агрессия деб аталади. (Берковитц).
- Бошқаларга жисмоний зарар етказиш нияти билан амалга оширилган ҳаракатлар агрессия деб аталади. (Зильманн).
- Бошқа тирик мавжудотларга зиён етказишга қаратилган, бироқ ўзига нисбатан қўлланилишга қарши бўлган ҳар қандай хулқ-атвор агрессия деб аталади. (Р.Берон, Д. Ричардсон) [31].

“Криминал психология”га оид китобларда агрессияга шундай таъриф берилади:

Бошқа бировга жисмоний ва руҳий зарар етказиш мақсадида қилинган ҳаракатга ҳамда бирор шахс ёки объектни йўқ қилиш мақсадидаги уринишга агрессия дейилади. Баъзи бир ижтимоий психологлар агрессияни бошқа бировга атайин жисмоний ёки ижтимоий зарар етказиш, баъзи ҳолларда эса хужумкор объектни йўқ қилишга қаратилган хатти-ҳаракат деб таърифлайдилар [28].

Мавжуд бу таърифларга асосланиб, шартли равишда агрессив хулқ-атворни 2-гурухга бўлиш мумкин:

1. Мотивацион агрессия. Агрессия - мотивацион фаолият сифатида норма ҳамда қоидаларни бузиш, атрофидагиларга зарар ва азоб-укубат келтириш деб тушунилади. Шу ўринда инструментал ҳамда ғараз билан қилинган (олдиндан ўйланган) агрессия типлари ҳам фарқланади.

Инструментал агрессия. Инсон агрессив ҳаракат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди, балки бу шароит билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Айни ҳолда мотив мавжуд бўлади, лекин англолмаган тарзда намоён бўлади.

Ғараз билан қилинган (олдиндан қилинган) агрессия. Агрессив хулқ-атвор яъни зарар ёки зиён етказишга қаратилган хатти-ҳаракатлар анланган мотив асосида амалга оширилади.

2. Агрессия душманлик ва вайронагарчилик акти сифатида. Р. Берон ва Д. Ричардсонлар бу борада бундай аниқликни келтиришади.

Агрессия - бу ҳаракатланиш ёки бошқа тирик мавжудотга зарар етказишга йўналтирилган ҳар қандай хулқ-атвор шаклидир.

Бу муаллифларнинг фикрича:

- Агрессия албатта ғараз билан қилинган (олдиндан ўйланган) ва зарар етказиш мақсадида қилиб олинган хулқ-атворни назарда тутди;
- Агрессив хулқ-атвор сифатида фақатгина тирик мавжудотга зарар ёки зиён етказишга йўналтирилган хулқ-атвор кўринишлари тушунилади;
- Агрессия қурбонида ўзига нисбатан қилинган бундай муносабатдан мотивацион қочиш истаги мавжуд бўлиши керак [5].

Фешбах (Feshbach 1964) томонидан агрессив хулқ-атвор 2 типга бўлиб ўрганилган:

1. Душманлилик (ғараз) агрессияси.

2. Инструментал агрессия.

Бу тип агрессиянинг мақсади ва мукофотланишига (агрессияга тўланадиган ҳақ назарда тутилмоқда) асосланиб ажратилган.

Агрессиянинг душманлик (экспрессив) кўриниши.

- Душманлик агрессияси - агрессивликни қўзғатувчи сабаб ва таъсирлар жумладан ҳақоратлаш, жисмоний ҳужум ёки шахсий омадсизлик таъсири натижасида ғазабни қўзғатиш оқибатида содир бўлади. Агрессорнинг мақсади жабрланувчини азоб чекишга мажбур этишдир.

Қотилликларнинг аксарият қисми зўрлаш, номусга тегиш ва бошқа жиноятлар жабрланувчига зиён-захмат етказишга қаратилиб душманлик агрессиясини юзага келтиради. Бундай ҳолларда агрессорнинг тезкор ва жаҳл устидаги ҳаракати кузатилади.

- Инструментал агрессия. Инструментал агрессия одатда рақобат ёки қандайдир объект, статусни эгаллаш мақсадида юзага келадиган ҳуқ-атвор шакли ҳисобланади. Агрессор истагидаги объектни ҳар қандай шароитда ҳам қўлга киритишга интилади, йўлдаги тусиқларни йўқ қилади. Масалан: синдиради, бузади, одамга эса мажбуран ҳужум қилади. Инструментал агрессор бировга захмат ёки зарар етказиш мақсадида эмас, фақат бирор предметга эга бўлиш мақсадида бузғунчилик қилади. Душманлик агрессиясидан фарқли ўлароқ, яъни аввалдан зиён етказиш, азоб беришни режалаштирмаган ҳолда совуққонлик асосида агрессив ҳуқ-атворни намоён этади. Бир сўз билан айтганда, инструментал агрессия қарама-қарши томондаги бирор нарсага эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритишга қаратилган уринишдир.

Г. Паренс (Parens, 1979,1997) агрессияни икки турга бўлади [23]:

1. Конструктив агрессия - мақсадга эришишга йўналтирилган қатъий, туғма, ўз-ўзини ҳимояловчи ҳуқ-атвор шаклидир. Бу туғма механизм жамиятга мослашишга, эҳтиёжларини қондириб, мақсад сари интилишга ҳамда ўз шахсига нисбатан ишонч ҳиссини уйғотишга хизмат қилади. Инсонда “ҳаёт учун кўрашиш” туйғуси, истаги уйғонган дақиқаданок бу механизм ўз фаолиятини бошлайди.

2. Деструктив душманлик - ёқимсиз, ғазабли, қаҳрли, ёмонлик тилловчи, қасоскор ҳуқ-атвор шаклидир. Бу ҳам ўз-ўзини ҳимоя қилишнинг хилма-хиллиги бўлиб, кучли, ёқимсиз кечинмалар натижасида активлашади. Садизм - яъни зарар ёки зиён етказишдан роҳатланиш бу ҳуқ-атвор шаклига мисол бўла олади.

Агрессив ҳуқ-атвор учта таркибий қисмдан иборат бўлиб, булар қуйидагилар:

1. Билиш қисми - агрессив ҳуқ-атворни вужудга келишига таъсир этган объектни ажратиб олиш ҳамда бунга сабабчи бўлган мотивни асослаб, вазиятни тушунишдан иборат бўлади.

2. Эмоционал қисм - салбий эмоциялар жумладан, ғазаб, қаҳр тажанглик, нафрат ва ҳазар кабиларни намоён этади.

3. Иродавий қисм - қатъийлик, мақсадга йўналганлик, журъатлилик, ташаббус-корлик каби иродавий сифатларни ўз ичига қамраб олади.

Бу уч таркибли қисмнинг намоён бўлиши босқичлари ўзгарувчан бўлади. Чунки бу жараён бевосита инсоннинг физиологик хусусиятлари (темперамент, экстравертлик, интравертлик) билан боғлиқдир.

Инсондаги агрессив хулқ-атвор кўринишларини турларга ажратишда биз Басс (Buss 1971) томонидан тузилган жадвал билан танишиб чиқамиз.

Инсондаги агрессив хулқ-атвор турлари.

Агрессия турлари	Тўғридан-тўғри фаол агрессия	Билвосита фаол агрессия	Тўғридан-тўғри сушт агрессия	Билвосита сушт агрессия
Жисмоний агрессия	Зарба бериш	Оёғидан чалиш	Ҳалақит бериш, зиён етказиш, тўсиқлар	Вазифани бажаришдан бош тортиш
Вербал агрессия	Жабрланувчини ҳақорат қилиш	Ёмон миш-миш тарқатиш	Сўзлашишдан бош тортиш	Ёзма ёки оғзаки келишишни хоҳламаслик

Басс агрессия турларини 3 га: жисмоний - вербал, фаол - сушт, тўғри - билвоситага ажратиб тадқиқ қилганини кузатдик.

Агрессия намоён бўлиш механизми ва фаолиятига кўра фарқланиб, фаолият механизми ҳамда тамойили кўпинча инсон томонидан вазиятни ҳал қилиниши, баҳоланишига боғлиқ бўлади. Қуйидаги омиллар агрессив хулқ-атворни аниқлашга ёрдам беради.

1. Ғаразли мақсад. Қачонки инсон, бошқа биров унга нисбатан ҳужум қилиш ёки ҳалақит бериш истагидалигини билса, биринчи навбатда ғаразли мақсад, душманлик ҳолатини ўзга қанчалик даражада тегишли эканлигини ҳал қилиб олиши лозимдир. Кўпинча агрессиянинг бошланишида фақатгина, бошқа бир инсон душманлик мақсадидаги, ҳатто субъект ҳужум қилмаган бўлсада бу ҳақдаги билим унга етарли асос бўлиши кузатилади. Шу билан

бирга душманнинг олдиндан ўз агрессив хулқ-атвори учун узр сўраши, аксарият ҳолларда қарама-қарши томоннинг ғазабини сўндириб жавоб агрессиясини намоён бўлишини олдини олади. Субъект ғаразли мақсад унга зарар етказиши ва ғазабни юзага келтириши мумкинлигини ҳал қилган захоти бу аниқланувчидан ҳалос бўлиши қийинлашади. Фақатгина катта меҳнат орқали бу аниқловчини ўзгартириш мумкиндир. Агар субъект можаро кутилмаганда ёки хатолик асосида юз берганлигига қатъий ишонса, у ҳолда ғазаб, ўч олиш нияти ва жавоб агрессиясини қайтаришга бўлган интилиш бир зумда сўниши мумкин.

2. Агрессияни мақсадга эришишни кутиш ва агрессив хулқ-атвор учун жазоланиш. Субъект тўғридан-тўғри агрессияни амалга ошириш учун унга қийинчилик туғдирмайдиган имкониятларга эга бўлмагунча жабрланувчига зарар етказиши ва шу билан бирга агрессив фаолиятда мақсадга эришишдаги эҳтимоллик даражаси муҳим аҳамиятга эга бўлмаслиги кузатилади. Эҳтимолликни амалга ошириши фақатгина шундай бир ҳолатларда, яъни жавоб агрессияси бевосита агрессорнинг агрессияга етиб бормаган вазиятларда, жумладан учрашиш имкони йўқ бўлганда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Бунда, билвосита агрессия шакли агрессорнинг шахсиятига ёки унинг обрў-эътиборига зарар етказишдан иборат бўлади. Билвосита агрессив фаолият агрессорни енгиб, фаолият натижаси оқибатини кутиш сифатида яъни ҳал қилувчи детерминант тарзда намоён бўлади. Масалан: Агар инсон бир ўзи агрессорнинг устидан раҳбариятга шикоят қиладиган бўлса, бу шикоят раҳбариятнинг эътибор билан муносабатда бўлиши ва чора-тадбир қўллашига нисбатан ишониш мумкин. Вужудга келган агрессив тенденция ҳам амалга ошмай келажакка сақлаб қўйилади. Агар субъект агрессия қурбонига айланса, ҳатто қасос жавоб кучи юқори бўлиш эҳтимоли мавжудлигига қарамай у албатта қасос олишга интилади.

3. Агрессия орқали эришилган, қўлга киритилган натижадан қониқиш. Агрессияга йўлиққан ва қасос олиш ҳақида ўйловчи инсонда

масалан, рингдаги жангдан сўнг боксёрлар жуфтлигининг бирида хавотирланиш билан қўшилган мағлубият ҳисси кузатилади. Бу қасос олиш ниятини қўзғатиб, кучайтиради. Натижада эса, мотивацияни ортишига олиб келади. Айниқса, субъектни бевосита қониқиш ҳосил қилишига жабрланувчининг ҳар қандай азоб уқубат чекишни энг аввало бошдан кечираётган оғриқларни ифодаловчи реакциялар таъсир кўрсатади. Агар душманлик агрессияси қасос олиш тамойилига асосланса, у ҳолда олдиндан маълум кучдаги оғриқларни кузатиш орқали шахс максимал даражада қониқиш ҳосил қилиши мумкин. Бундай агрессия таъсири натижасидаги жабрланишни кузатиш мотивацион агрессияни юқори даражадан “0” даражагача қисқартириб бир вақтнинг ўзида агрессив хулқ-атвори анологик ҳолатга мустаҳкамлайди. Аҳамиятсиз бўлган оғриқни келтириш субъектда тўлақонли қониқишни ҳосил қилмайди, шу сабабли агрессия тенденциянинг қолган қисми сақланиб қолади.

4. Ўз-ўзини баҳолаш. Ўз-ўзини баҳолаш жараёни субъектнинг агрессив хулқ-атвори ҳал қилувчи детерминант сифатида намоён бўлади. Ўзини-ўзи баҳолаш даражаси ички мажбурий бўлган норматив меъёрларини бошқариб, агрессияни амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкин. Агар субъектни ноҳақ шахсиятига тегиб, ҳақоратлаб, ҳужум қилиб, тўсқинлик қилинса (бу норматив даража) у ҳолда бу вазиятда агрессия субъектнинг қасос олиш орқали ўз қадр-қийматини тиклашига йўналтирилиб, амалга оширилади.

5. Агрессия асаб бузувчи қулай ҳолатдир. Таъкидлаш лозимки, агрессивлик асосида биз нафақат ўзимизни, балки атрофимиздаги инсонларни ҳам кайфиятини умуман руҳий ҳолатига таъсир кўрсатиб, асабларини бузишимиз мумкиндир. Шу сабабли агрессия асаб бузувчи ҳолат сифатида эътироф этилади.

Агрессив хулқ-атвори аниқлашда ушбу таъсир этувчи омилларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Агрессиянинг қуйидаги қисқача классификацияси мавжуд:

1. Агрессиянинг дардмандлик даражасидаги аломатлари (тутакиб кетиш, жаҳл келганда ўзини йўқотиб қўйиш);
2. Агрессиянинг жисмоний, оғзаки ва бошқа, бутун жамият учун номақбул саналган ахлоқ қонун-қоидалари билан боғлиқ шакллари (одатда, улар ижтимоийлашув хусусиятлари, аксли ижтимоий хулқ-атвор нормаларининг мустаҳкамланиши билан боғлиқ бўлади);
3. Жамиятда қабул қилинган ахлоқ қонун-қоидаларини етарлича ўзлаштирилма-ганлиги ёки хатти-ҳаракатларини идора қилиш имконини берувчи хусусий сифатларни тўлиқ шаклланмаганлиги билан боғлиқ агрессиянинг турли кўринишлари (таълим - тарбия кўрмаганлик);
4. Айрим кузатувчилар томонидан агрессив (хақ-ҳуқуқларини поймол қилиш, бировга зиён етказиш гумонини пайдо қиладиган) бошқа бир кузатувчилар томонидан қатъийлик, фаоллик сифатида талқин қилинадиган барча хатти-ҳаракатлар.

Юқорида келтирилган агрессия классификацияси Басс прологиясида ҳам ўз аксини топганини кўришимиз мумкин. Биз бу зўравонликларнинг барчасини деструктив, жисмоний агрессия ёки атайин бошқа бировга ё объектга зарар етказиш мақсадида амалга оширилган ҳаракат деб таърифласак бўлади. Агрессив хулқ-атвор: узоқ давом этувчи ёки қисқа муддатли, жуда тез содир этилувчи ёки ўзини бошқара оладиган даражаларда фарқланиши кузатилади.

Рольф Лебер ва Магда Штутхамер Леберларнинг таъкидлашича, агрессивлик очик ва яширин ҳолатларда бўлиб, бу икки агрессия ўз навбатида қуйидаги турларга ажратиб ўрганилади [12, 14]:

- 1- Паттерн хулқ-атвор.
2. Эмоциялар.
3. Когнитив жараён.
4. Ривожланиш.

Очик агрессив хулқ-атворда жабрланувчига тўғридан-тўғри очик ҳужум қилиниши, жисмоний зарба орқали зарар етказиш кузатилади.

Яширин агрессия эса гап-сўзлар, миш-мишлар, алдов ва ёлғонлар асосида ифодаланади. Кўп ҳолларда очик агрессия ёш ўтиши билан кучсизланиб борса, яширин агрессия эса аксинча кучайиб боради. Маълумотларга кўра агар инсон болалигида очик агрессияни тез-тез кучли намоён этган бўлса, у ёши улғайганда ҳам зўравонлик қилиши, жиноятларга қўл уриши мумкин экан. Очик агрессия асосан эмоционал ҳолатлар жумладан, ғазаб, қаҳр, жаҳл, ҳис-ҳаяжон билан характерланади. Яширин агрессияда киши ҳолати нейтрал бўлиб, ҳис-туйғуларсиз ифодаланади. Когнитив жараёнда ҳам очик ва яширин агрессияда бир биридан фарқланади. Очик агрессив хулқ-атворли, зўравонликка мойил бўлган инсонларда “когнитив дефицитарность” яъни олдин ўйлаб кейин қарор чиқариш қобилияти мавжуд бўлмайди. Шу боис улар чуқур ўйлаб ўтирмай “агрессив” ҳаракат асосида вазиятни ҳал этадилар.

Яширин агрессияда когнитив жараёнларга кенг кўламда мос келувчи зўравонлик усуллари жумладан душманлик қилиш, маккорлик, нўноқлик хусусиятларини қўллаш ҳаракатлари кузатилади. Яширин агрессияда конфликтларни ҳал этишда “когнитив дефицитар” ҳолат яъни душманлик очикдан-очик намоён бўлмайди. Аксинча бунинг ўрнига улар яхшилаб ўйлаб, режалаштириб, маъқул келадиган йўлни топадилар. Масалан, чиройли ишонарли ёлғонлар тўқиш, агар ўғрилиқ қилиб қўлга тушиш эҳтимоли бўлса ишонарли “алиба” топиш ва б.р. Очик агрессиянинг шахс фаолиятида ривожланиши жуда эрта кузатилади. Масалан, ўғил болалар ўзаро можароларини очик агрессия усулида жуда тез ҳал қилишга одатланганликларини барчамиз амалиётда кузатганмиз. Бундай болалар одатда оиладаги носоғлом муҳит, оилада тартиб интизомнинг мавжуд эмаслиги ва тарбия бериш усуллари тўғри йўлга қўйилмаганлиги натижасида шундай деструктив хулқ-атвор эгаларига айланиб қолмоқдалар. Уларга ҳеч ким ҳеч қачон одобли бўл, ҳурмат қил, ҳалол яша деб, панд-насихат қилмаганлиги боис, улар ёмон хулқли инсонлардан ўртак олиб, хулқ-атворларида очик ва яширин агрессияни намоён қилмоқдалар. Яширин агрессиянинг ривожланишида атроф-муҳитнинг таъсири кучли бўлиб, у

жазодан қочиш агрессиясининг аста-секин шаклланиши натижасида юзага келади. Уйдаги нарсаларни ўғирлаб сотиш, ўғрилиқни алдов йўли билан яшириш, ўзини оқловчи усулларни ўйлаб топиш яширин агрессияга мисол бўла олади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, очик ва яширин агрессия тажоввузкорлик ҳамда зўравонликни намоён этувчи хулқ-атвор модели ҳисобланади.

Келтирилган турланиш психологик ҳолатлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсондаги агрессив хатти-ҳаракатларнинг турли кўринишларини ифодалайди.

Инсондаги агрессив ҳолатларнинг турли кўринишлари.

Реакциянинг модаллиги	→ Вербал / жисмоний
Реакция сифати	→ Фаолиятли \ фаолиятсиз
Бевосита тўғридан-тўғри	→ Бевосита \ билвосита
Кузатувчанлик	→ Очик \ яширин
Ғаламискорлик	→ Игвосиз \ қасоскор уч олувчи
Мақсадга интилувчанлик	→ Душманлик \ инструментал
Зарар келтириш тури	→ Жисмоний \ психологик
Оқибатларнинг давомийлиги	→ Киска муддатли \ узоқ муддатли
Ҳаракатдаги ижтимоий бирлик	→ Индивидуал \ гуруҳий.

Таъкидлаш лозимки, агрессив ҳаракатнинг асосий сабаби бошқа бир одамга зарар етказиш истаги ёки агрессивлик орқали олдиндан белгиланган мақсадни амалга ошириш ҳаракати бўлиши мумкиндир.

А. Басс ва И. Дарк томонидан агрессив хулқ-атворнинг қуйидаги шакллари ажратив кўрсатилган.

1. Жисмоний агрессия - бошқа бир одамга қарши жисмоний куч ишлатишни ифодалайди;
2. Вербал агрессия - салбий ҳис туйғуларни оғзаки тарзда ифодаланиши (қий-чув солиш, сўқиниш, оғзаки таҳдид қилиш, лаънат айтиш, қарғаш);

3. Билвосита агрессия - бошқа шахсга қаратилган ғийбат, пичинг кўринишида билвосита олинадиган алам, ҳеч кимга йўналтирилмаган нафрат (ер тепиш, бақириб-чақириш);
4. Негативизм - мавжуд қонун-қоидаларга шунчаки қарши чиқишдан тотиб, улар билан курашишгача бўлган реакциялар (воқеъликка салбий муносабатда бўлиш, ҳамма нарсани инкор этиш);
5. Жиззакилик - жиззакиликка мойиллик, арзимаган нарсаларга портлаб кетиш, кескинлик қўполлик қилиш;
6. Сергумонлик - ишончсизликка мойиллик, одамлардан шубҳаланиш, улар билан эҳтиёт бўлиб муносабатга киришиш, атрофдагилар зарар етказиши мумкин деган ўй билан яшаш;
7. Ранжнинг бутун оламдан ёки кимдандир аламзадалиқ, ҳаёлан ёки чиндан ҳам келтирилган изтиробдан ғазабланиш, атрофдагиларга нисбатан нафрат ва ҳасаднинг намоён бўлиши;
8. Аутоагрессия - ўзи ва атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларда кузатиладиган айбдорлик ҳисси, ўзига қарши қаратилган хатти-ҳаракат (ўзини айблаш, мен шундоқман, мен бундоқман деб ич этини ейиш).

Демак, агрессив реакцияларга бошқа одамларни қоралаш, ҳақоратлаш, таҳдид қилиш, жисмоний куч ишлатиш, жанжаллашиш кирса, неагрессив реакцияларга вазиятни юмшатиш, айбни ўз бўйнига олиш, рўй берган ҳодисага эътибор бермаслик, ҳиссиётга берилмай босиқлик билан қарор қабул қилиш кабиларни киритиш мумкиндир.

Агрессиянинг ижтимоий маъқул ва асоциал агрессив хулқ-атвор турлари фарқланади. Ижтимоий маъқул агрессия турида фрустрация ва низо натижасида келиб чиқувчи зўриқиш ҳамда ҳавотирланиш ижтимоий нормаларга мос келувчи ҳаракатлар орқали ҳал қилинади. Асоциал агрессив хулқ-атвор нормаларга зид бўлган (уришиш, сўқиш) ҳаракатларда намоён бўлади. Агрессив хатти-ҳаракат асосида агрессивлик мотиви ётади. Агрессив хатти-ҳаракатлар одамларга маънавий, руҳий, моддий ва жисмоний зарар етказади. Агрессивлик бошқа одамга била туриб зарар етказиш демакдир.

Бундай хатти-ҳаракатларни бартараф этишнинг психологик жихатдан қийин томони шундаки, агрессив хулқ-атворли шахс ўз хатти-ҳаракатларини оқлаш учун осонгина кўплаб мантикий далилларни келтиради ва айбни ўз буйнидан соқит қилишга уринади. Агрессив хатти-ҳаракатларни урганган Тадқиқотчи

А. Бандуранинг аниқлашича, агрессорлар қуйидагича баҳоналар топадилар:

1. Ўз агрессивлик ҳаракатларини унинг қурбони бўлган шахсни камчиликлари ва салбий қилмишлари билан солиштириш асосида агрессияни у йўналтирилган киши қилмишларига нисбатан унчалик дахшатли эмаслигини қурсатишга уриниш;
2. Ўз агрессиясини қандайдир гоъвий, диний, тасаввурлар орқасига беркитиш;
3. Содир этилган агрессив акт учун ўз шахсий жавобгарлигини инқор этиш;
4. Агрессив ҳаракат бошқа одамлар билан биргаликда содир этилганлигига қукач қилиб, маъсулиятнинг бир қисмини ўз буйнидан соқит қилиш;
5. Агрессив хулқ-атвор натижасида қурбон бўлган инсоннинг шундай муносабатга мос одам бўлганлигини таъқидлаш;
6. ўз хатти ҳаракатларини оқловчи янги-янги далиллар, баҳоналар қидириш [13].

Хулоса қиладиган бўлсак, агрессия ёки кишилар ўртасидаги қелишмовчилик оқибатида қелиб қикадиган ваъохат ҳолати - бу шундай йўналишки, унга оид хулосалар нафақат психологларни, балки социологлар, ҳуқуқшунослар, педагоглар, файласуфлар, ижтимоий соҳа қодимларини барчасини бирдек қизиктиради. Зеро, инсон табиати ва унинг бошқа инсонларга боғлиқ жихатларини ўрганиш учун хулқнинг айнан шу томонини ҳам ўрганиш, қилиш ва бошқара олиш лозимдир.

1.2 Шарқ мутафаккирларининг агрессив хулқ-атвор ҳақидаги қарашлари.

Ўтмишда аждодларимиз инсониятнинг психологик қонуниятларини муайян илмий йўналиш сифатида ўрганмаган бўлсаларда, бироқ алломаларнинг асарлари, қўлёзмаларида мазкур ҳолатларнинг ёритилиши, таҳлили кузатилади. Биз шарқ мутафаккирларининг психологик қарашлари билан танишар эканмиз, инсон ва ҳайвонлар психик ҳаётини ўрганишга бўлган интилиши кишилар ҳаётининг ҳар хил тарихий босқичларида уларнинг қандай назарий ва амалий билан тақозо қилганлигини баъзи қонуниятлар қандай кашф этилганлигини билиб оламиз. Таъкидлаш лозимки, алломаларнинг шахс маънавий-руҳий камолоти борасидаги қимматли фикрлари ҳозирги кунгача ўз ўрни ва аҳамиятига эгадир. Жумладан, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Абдулла Авлоний, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб каби мутафаккирларнинг педагогик-психологик қарашлари бугунги кунда фан тараққиётининг методологик асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

“Қуръони Карим”, Ҳадиси-шарифларда ҳам инсон хулқ-атворининг салбий жиҳатлари хусусида қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилган. “Қуръони Карим”да инсонни ахлоқий камолга етказишга зид хусусиятлар: манманлик, ароқхўрлик ва қиморбозлик, ёлғончилик, бошқаларни камситиш, бадгумонлик, чақимчилик, ғийбатчилик, очкўзлик кабилар хусусида ҳам ибратли фикрлар билдирилган. “Қуръон”да инсоннинг руҳий ва маънавий камолга етишига тўсқинлик қилувчи салбий хислатлардан бири ғазаб деб кўрсатилади. У руҳий разолат сифатида талқин этилади. Чунки ғазаб келганда ақл қочади, инсон ўз иродасини идора қила олмай қолади, оз манфаати, обрўсини ҳимоя қиламан деб, жоҳилликка йўл қўяди. Ҳатто, ғазаб инсон саломатлигига ҳам зарар етказади. Шунинг учун ҳам Ислом инсонни ақл ва инсофга, босиқлик билан иш тутишга, ўз ҳиссиётларини бошқара олишга чақиради. Чунки ғазаб келганда чиқарилган ҳукм, амалга оширилган хатти-ҳаракат жоҳиллик белгиси бўлиб ҳисобланади. Ҳатто ғазабни босиш

билан бирга, ғазабни кўзгаган шахсни кечира олиш даражасида ўзини бошқара олиш иродасига эга бўлиш кераклиги ҳам уқтирилади.

“Ол-и имрон” сурасининг 134-оятида “Яхши-ёмон кунларда инфоқ-эхсон қиладиган, ғазабларини ичларига ютадиган, одамларнинг (хато-камчиликларини) авф этадиган кишилардир. Аллоҳ бундай яхшилик қилувчиларни севади” дейилади. Демак, Исломда инсон ғазаби келганда фақат ўзини бошқара олиш қувватига эга бўлишгина эмас, кечирувчилик хислатига эга бўлишга ҳам чақирилади. Ана шундай инсонгина ахлоқан баркамол шахс бўла олади.

Хулқ-одоб ҳақидаги ҳадисларда энг эзгу инсоний хислатлар улуғланиб, гуноҳ сифатидаги иллатлар қораланади. Ҳадисларда инсоний хислатлардан эзгулик, иффат, сабр-қаноат, шукроналик каби ахлоқий хислатлар улуғланса, исрофгарчилик, таъмагирлик, очкўзлик, нафсу-ҳавога, шахвоний хиссиётларга берилиш, бахиллик, жоҳиллик каби иллатлар, ёмон хатти-ҳаракатлар “гуноҳ” сифатида қораланса, инсон фаровонлиги, жамият равнақи учун қилинадиган яхши эзгу хатти-ҳаракатлар, фаолият “савоб” тарзида олқишланади. Абу Наср Фаробий инсон камолотга ёлғиз ўзи эриша олмайди. У бошқалар билан алоқада бўлиш, уларнинг кўмаклашуви ёки муносабатларига муҳтож бўлади, деб ҳисоблайди. Бунга Фаробий таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйиш орқали эришиш мумкин, дейди. Чунки мақсадга мувофиқ амалга оширилган таълим-тарбия инсонни ҳам ақлий, ҳам ахлоқий жиҳатдан камолга етказди, хусусан, инсон табиат ва жамият қонун-қоидаларини тўғри билиб олади ва ҳаётда тўғри йўл тутди, бошқалар билан тўғри муносабатда бўлади, жамият тартиб-қоидаларига риоя қилади.

Фаробий назарий билимларни эгаллашга киришган ҳар бир киши хулқ-одобда ҳам қай даражада пок бўлиши кераклигини “Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш кераклиги тўғрисида”ги рисоласида шундай таърифлайди: “Фалсафани ўрганишдан аввал ўзингизни ҳирс-ҳаваслардан шундай тозалашингиз лозимки, сизда маиший ва шахвоният каби нотўғри туйғуларга эмас, балки камолотга бўлган ҳирс-ҳавас қолсин.

Бунга хулқ-ахлоқни фақат сўздагина эмас, балки ҳақиқатда тозалаш орқали эришиш мумкин. Шундан сўнг хато ва адашишдан сақловчи, ҳақиқат йўлини тушуниб олишга бошловчи (нотик-сўзловчи, фикрлаш маъносида) нафсини, жонини, руҳини тозалаш зарур” [2].

Абу Райҳон Беруний илмли, маълумотли киши бўлишнинг ўзини одоб-ахлоқ ва нафосат билан боғлайди. Унинг дунёқарашида ахлоқ масаласи инсоннинг энг асосий сифатлари сафатида мужассамлашган. Берунийнинг фикрича, ақлий қобилиятлар одамларнинг кундалик эҳтиёжлари асосида вужудга келса, ахлоқий масалалар тарихий таракқиёт, одамларнинг ўзаро муносабатлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда пайдо бўлади ва ривожланиб боради. Беруний сўзлари билан айтганда, инсон ердаги бунёдкор ва яратувчи кучдир. Шунингдек, у инсоннинг ижобий ва салбий томонларини бирма-бир таъриф этади. Масалан, олим инсондаги яхшилик, ростгўйлик, олийжаноблик, мурувват, меҳр-шафқат, дўстлик ва жамоатчилик каби фазилатларни улуғлайди. Шу фазилатларни ўзида мужассамлаштирган ҳар бир инсон ҳар нарсага қодирлигини, ўз эли ва юрти учун беқиёс наф келтириши мумкинлигини алоҳида таъкидлайди, бу ҳозир ҳам таълим-тарбия соҳасида етакчи ўринни эгаллайди. Ёлғончилик, ёмонлик, рақобатлашиш, ғанимлик, ичқоралик, қўполлик, ўғрилиқ, тухматчилик, иккиюзламачилик, ўзига бино қўйиш, ҳушомадгўйлик, чақимчилик иллат сифатида қораланади.

Беруний инсоннинг маънавий қиёфасини, хулқ-атворини яхшилик ва ёмонлик ахлоқий тушунчалар билан белгилайди. Яхшилик тантанаси ва унга эришиш осон иш эмас. Умуман олганда, яхшилик сари интилиш ва унга етишиш катта меҳнат ва ҳаракат, сабр ва матонат, мустаҳкам ирода ва юксак ахлоқий маслакни, мақсад йўлида доимо кўрашишни талаб этади. Ана шу кўраш йўлида камолотга эришиш мумкин. Бу унинг (шахсининг) яхши томони олимнинг сўзлари билан айтганда ёмонларнинг шахобчалари кўп, бироқ уларнинг энг ярамаси таъма, ғазаб, илмсизликдир. Булар аҳмоқликдир. Аҳмоқлик эса давоси йўқ бир касалликдир. Агар кишилар шу ёмонликлардан фориғ бўлиб, илм-ҳикматни эгалласа, билимлар бирлигини ўзига сингдирса

яхшилик бўлади. Олимнинг фикрича, ғазаб ва илмсизлик инсон учун энг кучли ва энг ҳалоқатли душмандир. Улар, яъни разил кишилар овқатланганда қандай лаззат ва роҳат олган бўлсалар, ўч олганда ҳам шундай роҳатланишга ўргатади.

Беруний ғазаб, таъма балосидан қутила олмаган кишиларни инсон деган пок номга сазовор эмас, деб таълим берган. Юқорида лаззат ва алам каби тушунчаларнинг мазмунини баён этар экан, аллома алам, таъма, ўч олиш сингари салбий тушунчаларни яхшилик тушунчасига мутлақо ёт деб ҳисоблайди. Беруний ахлоқсиз одамларни қайта тарбиялаш орқали одобли, яхши кишилар сафига қўшиши, ахлоқсиз ёмон одамлар биринчи навбатда нафсоний ҳирс-ҳавасдан ўзини тозалаши, ахлоқий китобларда зикр қилинган барча яхшиликларни ўрганиши ҳамда яхшилар билан яқин муносабатда бўлиши, яхшиларга тақлид қилиб яшаш орқали одам ўзини-ўзи қайта тарбиялаши мумкинлигини исботлашга уринган. Яхши кишиларга эргашиш бу фақат болаларгина эмас, балки барча жамият аъзоларига ҳам хос хусусият эканлигини ўша замонда айтилган бўлсада, улар ҳозирги замон педагогик-психологиясининг ҳам асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Яхши хулққа интилган, намунага тақлид қилган ўқувчи энг аввало ўз имкониятларини тушуна боради, жамоадаги ўрнини тўғри белгилайди. Инсон онгли ва табиатнинг энг олий мавжудоти бўлгани учун ҳам намунадан ўрнак олади. Иродасизлик ўзини-ўзи қўлга ололмаслик инсонга хос хусусият эмас деб кўрсатган эди, Беруний.

Абу Али Ибн Сино ахлоқликнинг асосини яхшилик ва ёмонлик каби икки тушунча билан таърифлайди. Ибн Сино инсон камолотининг муҳим ахлоқий жиҳатларини ҳам таҳлил этади ва ҳар бирига таъриф беради. Масалан, адолатни руҳий лаззатнинг бош мезони санайди. Инсон қаноат, жасурлик, донолик билан адолатга эга бўлади, ёмон иллатлардан ўзини тийиб, яхшиликни мустаҳкамлайди, ҳақиқий руҳий лаззат олади, дейди олим. Инсондаги ижобий ахлоқий ҳислатларга саҳийлик, чидамлилиқ, камтарлик, севги-муҳаббат, мўтадиллик, ақллилик, эҳтиёткорлик, қатъиятлилиқ, садоқат,

интилиш, уятчанлик, ижрочилик ва бошқаларни киритади. Ибн Сино ҳар бир ахлоқий хислатнинг таърифини беради:

мўтадиллик – тан учун зарурий озиқ ва хулқ меъёрларига тўғри келмайдиган ишларни қилмаслик;

саҳийлик – ёрдамга муҳтож кишиларга қўмақлашувчи инсоний қувват;

ғазаб – бирор ишни бажаришда жасурлик;

чидамлилиқ – инсон ўз бошига тушган ёмонликларга бардош берувчи қувват;

ақллиқ – бирор ишни бажаришда шошма-шошарликдан сақланувчи қувват дейди.

Инсон ҳиссий ва маънавий талабларни ажратиб олиш имкониятига эга экан, бу имконият аста-секин инсон феъл-атвориға хос хислатға айлана боради. Ибн Сино инсоннинг шаклланишида унинг атрофини ўраб олган ташқи муҳит, одамлар алоҳида муҳим рол ўйнайди, ана шу ташқи муҳит ва одамлар инсоннинг атроф-дунёни билишгагина эмас, балки унинг хулқида яхши ёки ёмон жиҳатларнинг таркиб топишиға ҳам таъсир этади. Шунинг учун ҳам болаларни тарбиялашда эҳтиёткор бўлиш кераклигини, бола ёмон одатларға ўрганмаслиги учун, уни ёмон одатлардан, ёмон муҳитдан узоқроқ сақлаш зарурлигини уқтиради. Ибн Синонинг тарбиялаш масалаларига кенг ўрин берилган. Чунки инсон аввало оилада камолға этади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида инсон камолоти масаласи марказий масала бўлиб ҳисобланади. Мазкур асарда инсоннинг жамият ва ҳаётда тутган ўрни, бурч ва вазифалари ҳақидаги муаммолар ўзига хос бир тарзда баён этилади. Юсуф Хос Ҳожиб олимларни ҳурмат этиш кераклигини таъкидлаб, илм аҳлини қадрласа, илмсизларни жоҳил кишилар деб билади. Дунёда инсон билим ва заковати туфайли орзу-тилақларға, улуғликка эришиш мумкинлигини айтади. Лекин шундай билим ва заковатнинг қадрига фақат худди ўзларига ўхшаган донолар ва заковатлилар этади. Жоҳил ва нодонлар бундай хислатларға эга эмас, дейди. Чунки жамиятдаги барча хатолар билимсизлик, нодонлик, жаҳолат туфайли содир

бўлишидан у қайғуга тушади, ҳаётда нодон ва жоҳиллар кўпайиб кетганлигидан афсусланади.

Олим билимлилик ва билимсизликнинг оқибатлари ҳақида фикр юритади. Инсон билимсиз, нодон, жоҳил бўлса, ярамас ишлар қилиши, аксинча билимли, доно, зукко бўлса, эзгу ишларни рўёбга чиқаришини таърифлаш билан кишиларни тинмай илм олишга ундайди:

(Эй) заковатли яхши киши, ғазабни ўзингдан йироқ тут,

Эй билимли яхши киши, қаҳр қилма, номингни эзгу қил.

Бу иккиси (ғазаб ва қаҳр) билан шошилиб иш кўрма,

Агар (шундай) қилсанг, тирикликни беҳуда қиласан.

Ғазабий киши доим ўкинчли бўлади,

Киши ишда қаҳр қилса, у адашади.

Киши заковатли бўлиши керак, токи билимни яхши танлай билса,

У билимли бўлиши керак, токи ишларни яхши битира олса

Ғазаб пайти бетга яқин бормагин,

Бориб ўз жонингга жабр қилмагин.

Кўр, арсланқа ўхшар бу беглар ўзи,

Ғазоби кесар бош, ғофил бўлмагин.

“Қутадғу билиг” асарида инсонийлик, ростгўйлик, тўғрилиқ, софлиқ, меҳр-муҳаббат, вафо, шафқат, мурувват, инсоф, адолат, ишонч, садоқат, хушмуомалалиқ, ширинсўзлик, саховат, мардлик, ҳимматлилик, тавозе, ҳурмат ва эҳтиром, тadbиркорлик, ақл, заковат, ҳалоллик, эзгулик каби ҳислатлар улуғланса, ёлғончилик, ноинсофлик, фисқу фасод, бевафолик, меҳрсизлик, дағаллик, бахиллик, номардлик, қувлик, ҳурматсизлик, нодонлик, жоҳиллик, ҳаромхўрлик, очкўзлик каби ҳислатлар қаттиқ қораланади.

Абдулла Авланий шахснинг шаклланишида ижтимоий муҳитнинг ўрнини алоҳида эътироф этиб, у шахсдаги ижобий ва салбий хусусиятларни таркиб топишига ўз таъсирини ўтказишини таъкидлайди. У “Туркий

гулистон ёҳуд ахлоқ” асарида инсонларни хулқ-атвор, хатти-ҳаракат нуктаи назаридан икки гуруҳга бўлади:

- яхши хулқли инсонлар
- ёмон хулқли инсонлар

А.Авлоний бундай дейди:

“Ахлоқ уламози инсонларнинг хулқларини иккига бўлмишлар: агар нафс тарбият топиб, яхши ишларни қилурга одат қилса, яхшиликка тавсиф бўлиб, “яхши хулқ”, агар тарбиятсиз ўсуб, ёмон ишлайдурган бўлур кетса, ёмонликга тавсиф бўлуб, “ёмон хулқ” деб аталур”. У кишиларни яхши хулқлар соҳиби бўлишга чакиради “Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ” китобининг “Ёмон хулқлар” боби 18 бўлимдан иборат бўлиб, улар ўз ичига қуйидагиларни олади: ғазаб, шаҳват, жаҳолат, сафоҳат, ҳамоқат, атолат, ҳасосат, раҳоват, аноният, адоват, намимат, ғийбат, ҳақорат, жибонат, ҳасад, нифоқ, таъма, зулм, кизб. Аллома инсонларнинг бу хулқини “Саодати абадиядан маҳрум қиладурган, ... ва халқ назаридан мазлум, ҳаёти жовидонимиз учун маълум бўлган ахлоқи замималар”, деб атайди.

А.Авлоний ғазабнинг икки хил хусусиятини баён қилади. Биринчидан душмандан ўзини мудофаа қилишда инсоннинг ғазаби муҳим аҳамиятга эга бўлса, иккинчиси бировни жабр-зулм йўли билан ишлатиш, одамларга унинг совуқ муомаласи билан даҳшат солишдан иборат бўлган салбий хусусиятдир.

Ғазабнинг энг салбий томони шундаки, ғазаб қилувчи ўзининг хулқ-атворидан пушаймон бўлади, зарар кўради. Бу соҳада Авлоний Суқрот ҳакимдан, Афлотундан мисоллар келтириб ўз фикрини исботлайди. Масалан: Суқроти ҳаким “Ғазабнинг аввали жунун, охири надоматдур” деса, Афлотун “Ҳаяжон ила пайдо бўлган бир ҳол, албатта, пушаймонлик ила тамом бўлур. Ғазаб ғазаб қилинувчидан кўпроқ ғазаб қилувчига зарар қилур. Ақлни ғазабга солувчи инсон нафсини ҳароратлик ўтга ёқиши ўлур. Надоматдан аввал матонатни ихтиёр қилувчилар ҳеч бир таҳлика ва азобга дучор ўлмаслар”- дейди.

Жалолиддин Румий ҳам “Маънавий маснавий”сида инсон хулқ-атворидаги салбий хусусиятлар борасида ўз қарашларини билдиради. У адоват, баджаҳиллик, ҳасадгўйлик, айбжўйлик, ғараз, қахр-ғазабни каттик қоралайди ва инсоннинг энг қабиҳ иллатлари сифатида тавсифлайди. Жумладан, Румий ҳасад, адоват, баджаҳиллик хусусида шундай фикр юритади:

Гар ҳасад йўл узра олса бўғздан,
Бу ғулув иблисдан, иблисдан.
Ор деб одамга қилду у ҳасад,
Ўзи бирла жанг қилди қасдма-қасд.
Йўлда бундан баттарин доvon йўқ
Не саодан йўлда гар шайтон йўқ.

Унинг таъкидлашича, “ҳасад нафсга боғлиқ сифат бўлиб, киши ўзидаги нуқсонни ва бегонанинг камолотини англаб етказ, кин-адоват ва баджаҳилликдан бедаво руҳий дардга гирифтор бўлади. Ҳасадчи ҳамиша ўз қурбонини муайян сифатдан маҳрум бўлишини орзу қилиб яшайди. Бу дард уни ҳамиша таъқиб айлайди. Ҳасадчи ранж ичида ўз ўтига қоврилади. Ҳасад мураккаб сифатдир. Унинг натижаси ҳавфли ва ғоятда оғир. Ўз нуқсонини англаган киши аввало ўз камолати йўлида ҳаракат қилмоғи ўрнига фазилат соҳибининг маҳрумиятини, ҳалоқатини истайди. Худди шунинг ўзи нафснинг заифлигини, дармондалигини исботлайди... Ҳасад машаққатли доvon. Ундан камдан-кам одамгина ўта олади. Аллома “Айб қидирмоқ ва таъна қилмоқ инсоннинг энг қабиҳ иллатларидандир”- дейди. Бу кўнгилсиз ҳол бир одамнинг ўзи нописанд билган кишига нисбатан адовати маҳсули ҳисобланади. Кимки пок инсонлар ва Худонинг мардларига таъна қилса ўз ботини юзидаги пардани олиб ташлаган бўлади. Ўзининг бад ниятини ошқор айлайди. Бадном ва расво бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Жалолиддин Румий ўзининг “Маънавий маснавий”сида инсониятнинг агрессивликка мойиллиги, агрессив

реакциялар, агрессив хулқ-атвор шакллари хусусида карашларини баён этади.

Алишер Навоий “Махбуб ул-қулуб” асарида инсоний фазилатлар ва эзгуликларни мадҳ этиб, тарғибу-ташвиқ этиш билан чекланмай, айна замонда одамлардаги ёмон, хунук, инсонийликка хилоф хислатларни, инсонлар учун, жамият учун зарарли, шарафли инсон шаънига ярашиқсиз хулқ-атвор ва сифатларни танқид қилади. Аччиқ сўзлилиқ, нодонлиқ, ёмон қилиқлилиқ, ёлғончилиқ каби иллатларга берилган кишиларни қоралайди. Навоий ана шу ёмон, ярамас хислатлардан, иллатлардан одамларни холи кўришни истайди. Карамли, мурувватли, садоқатли, юмшоқ кўнгилли, ширинсухан, мулойим бўлиш каби бир талай фазилатларни Навоий кўкларга кўтариб мадҳ этади.

“Аччиқ тиллик” энг ёмон хусусиятлардан бири эканлиги ҳақида Алишер Навоий шундай ёзади: “Аччиқ тил заҳарли найзадек санчилади. Кўнгулда тил найзасининг жароҳати битмас, унга ҳеч нарса малҳам бўла олмайди”. Унинг бу фикрида вербал агрессия, яъни салбий ҳис-туйғуларни оғзаки тарзда ифодалаш шакли ўз аксини топганлигини кўришимиз мумкин.

Навоий кишиларни очик чехрали бўлишга даъват этади ва дейдики, бундай кишиларнинг “очик юзидан халойиққа хурсандлиқ ва ширин сўзидан улусга шодлиқ етишади”. Алишер Навоий инсон хулқ-атворидаги салбий жиҳатларни қуйидагича ифодалайди:

“Яхшиликка мукофотни қўполлик, одоб билан қилинган хушмуомала эвазига кеккайиш, такаббурлиқдан ўзгача муносабатни кўрмаймиз. Бировга бир хизмат қилсанг, ундан ўн зарб ейишга тайёр турмоқ керак, кимгаки бир тавозеъ кўрсатсанг, минг қўполлик ва дилсиёхликка ҳозир бўлиб турмоғинг лозим. Ҳар қандай хизматкорлик қилиб, унинг эвазига жабр-жафо кўрганинг ҳолда, сендан яна хизмат кутадилар. Ҳар қанча вафодорлик кўрсатиб, кўз олдида ранж-машаққат тортсанг, яна қуллуқ таъма қиладилар. Дўст сифатида жонингни бермасанг, жонингга душманлик қиладилар, уларнинг кўнгли учун

ноҳақ қон тўкишга рози бўлмасанг, қонингнинг тўқилишига гувоҳлик берадилар. Доим истаган ишларини ўз вақтида қилсанг-у, аммо бир гал кечиксанг, сўкиб ҳақоратлайдилар”.

Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида яхши фазилатлар ва ёмон хислатлар борасида фикр билдирад экан, ахлоқсизлик сифатида эътироф этилувчи агрессив хулқ-атвор хусусида ҳам тўхталиб ўтиб, бу хулқ-атвор шаклини ҳаётий мисоллар орқали тушунтиришга ҳаракат қилади.

Бобораҳим Машраб ўзининг “Мабдаи нур” тасаввуф руҳида ёзилган назмий-бадий, ахлоқий-тарбиявий асарида поклик, ҳалоллик, ростгўйлик, шафқатли, ҳайр-саховатли бўлиш каби инсон учун энг олийжаноб хислатларни тарғиб қилиб, тараннум этади. Асарда ўғрилиқ, каззоб-ёлғончилик, фирибгарлик, маиший бузуқлик, нопоклик, тилёғламалик, риёкорлик, айниқса ғурур ва мутақаббирлик каби жирканч иллатлар қаттиқ қораланади.

I-боб бўйича хулосалар

1. Ғарб олимлари юқорида зикр этилган агрессиянинг барча шакллари йўқ қилиш нафақат беъмани, балки зарарлидир деган хулосага келдилар.
2. Биз эса уни вазиятий белгиланиши ва ижтимоий жиҳатдан маъқулланган шакллари билан чекланилиши зарурлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.
3. Шарқ мутафаккирлари агрессияга доир муаммони ахлоқий хулқ-атворни шакллантириш доирасида таҳлил қилганлар.

II-боб. Агрессив хулқ-атвор ва ижтимоийлашув муаммосини ўрганишнинг методологик муаммолари

2.1 Агрессив хулқ-атворни ўрганишдаги методологик муаммолар хориж психологлари талқинида

Агрессив хулқ-атвор масаласи хориж психологлари, жумладан, социолог, педагог, философ, ҳуқуқшунослик соҳасида фаолият юритувчи мутахассисларни ҳам неча асрлардан буён қизиқтириб келаётган долзарб муаммолардан саналади. Хориж психологлари агрессивлик муаммосини тадқиқ қилишда бир қатор агрессив хулқ-атворга тааллуқли бўлган назарий ёндашувларга асосланган ҳолда тадқиқот ишларини олиб бориб, бу хулқ атворнинг пайдо бўлишига таъсир этувчи механизмларни ўрганиб, таҳлил қилишди. Улар агрессив хулқ-атворнинг турғунлиги, ўзгарувчанлигига, давомийлигига эътибор беришган [17,18,19].

Агрессияга назарий ёндашув

Назарий ёндашув	Агрессия деб..	Турғунлик (Т) ёки ўзгарувчанлик (Ў)
Биологик ёндашув		
- этология	...ички энергия	Т
- социобиология	...эволюция маҳсули	Т
- хулқ-атвор генетикаси	...наследан олиш мойиллиги	Т
Психологик ёндашув		
Фрейд психоанализ	...бузғунчилик	Т
Фрустрацион агрессия назарияси	инстинкти ...мақсад сари йўналганлик	Ў
Когнитив н	...салбий ҳаракатларга бўлган реакция	Ў
қўзғалишларни узатиш модели	...мустаҳкамланган бетараф қўзғалишлар	Ў
ижтимоий когнитив ёндашув	...ахборотни қайтадан қўриш функцияси	Ў
ўрганиш назарияси	...тақлид қилиш, мустаҳкам-лаш орқали ўрганиш натижаси	Ў
ижтимоий муносабатлар модели	...қарор қабул қилиш жараёни	Ў

Этимологик ёндашув. Этимология табиий шароитдаги ҳайвонларнинг хулқ-атворини ўрганиб, уни инсон хулқ-атвори билан солиштиришни ифодалайди. этимология ва агрессиянинг уйғунлигини биринчилардан бўлиб таъкидлаган олим К.Лоренцдир. У ўзининг 60-йил ўрталарида нашр қилган “Агрессия” номли китоби орқали кенг оммани бу масалага жалб қилиб, қизиқиш уйғота олди. Нобел мукофотининг совриндори Лоренцнинг таъкидлашича, “агрессия ҳайвон ва инсонларда ҳали инстинкт сифатида мавжуд бўлиб, авлоддан-авлодга ўтади. Душманлик хусусиятлари узун ва мураккаб эволюция жараёнининг натижаси ҳисобланади”. Лоренц ва бошқа бир қанча инсондаги агрессивликни ўрганиш керак, чунки инсон ҳайвонот оламининг бир қисми ҳисобланади, деган фикрларни билдирадилар. Этимологик ёндашув гарчан қизиқиш уйғотсада, инсонлардаги агрессив хулқ-атворни тадқиқ қилинганда ўз исботини топа олмайди. Зоолог, биолог ва психологларнинг ҳар қанча уринишларига қарамай муваффақиятсизликка учради. Бунга сабабчи бўлган омиллардан бири этимологик ҳолатни кўпинча ҳайвонлар ва инсонларнинг ўзаро ўхшашлигига асосланишидир. Лоренц тадқиқотларида далил сифатида Европадаги кулранг ғозни мисол тариқасида келтириб, у “*Homo sapiens*”га жуда ҳам ўхшашлигини таъкидлайди. “Инсон онги, тафаккури, ўз-ўзини, фикрини бошқара олиши, мотивацияси ҳамда хулқ-атвори билан ҳайвонот олаmidан ажралиб туради”- дейди Бандура. У Лоренцнинг хулқ-атвор хусусидаги қарашларини инкор этади [21].

Социобиологик ва эволюцион ёндашув. Техас университетининг эволюцион психологи Дэвид Басс социобиологик ва юволюцион ёндашувнинг моҳиятини қуйидагича таҳлил қилади: “Социобиология психикани инкор этиб, диққат-эътиборини хулққа қаратади, эволюцион психология эса психикани (яъни бизда эволюция жараёнида шаклланган психологик механизмларни) адаптациянинг локус маркази деб билади” Басс ушбу икки ёндашув ўртасидаги тафовутни тушунтирар экан, социобиология инсон зоти атроф-муҳитга энг яхши мослашган туркумдир деса, эволюцион

психология одамлар ўз зотиға хос эволюция натижасида мослашувчанликнинг ошишиға имкон берган, бироқ кўзланган мақсадига доим ҳам бирдай етмаган психологик механизмларға эға деб эътироф этади.

Психологиядаги эволюцион ёндашув пайдо бўлганиға ҳеч қанча бўлгани йўқ. Бироқ шу қисқа вақт мобайнида эволюцион психология назарияларининг эмпириқ базаси бетиним кўпайиб борди. Унинг адаптацияға доир назариялари мукаммаллашгани аниқ, текширишнинг имкони мавжуд бўлган фаразларда ўз аксини топган. Кетелаар ва Эллисларнинг эътироф этишлариға, эволюцион психология прогрессив илмий-тадқиқий дастурнинг барча талабларига жавоб беради.

Психоаналитик ёндашув. Психоанализнинг отаси Зигмунд Фрейд инстинктлар тўғрисидаги назариясида, агрессиянинг туғма, биологик табиатға эғалигини таъкидлайди. У ҳар қандай агрессивлик реакциясининг намоён бўлишиға агрессив энергия, яъни ортиқча босимнинг “портлаш” даражасига етиб бориши таъсир кўрсатишини эътироф этади. Бу концепция психодинамик ёки гидравлик модел номи билан аталади. Фрейд ўзининг икки факторли инстинктлар назариясида, одам табиати ўзига хос икки айрилмас қисмдан: “Эрос” ҳаёт ва “Танатос” ўлим инстинктидан иборатлигини таҳлил қилади. Унинг фикриға “эрос” одамларни хушхаловатға ва роҳат-фароғатға ундайди, “танатос” эса ўз-ўзини бузиш, ҳалок қилиш, йўқ қилишға қаратилган бўлиб, улар одамда ички психологик келишмовчиликларни юзаға келтиради. Бу бошқа инсонларға нисбатан деструктив куч билан агрессивликни намоён бўлишиға таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, бошқа инсонға қаратилган агрессив ҳаракат худди бузғунчилик (энергия кучини озод қилувчи) механизмға ўхшайдики, ҳаракатдаги инсоннинг ички психологик тенглигини (барқарорлигини) сақлаб қолади. З.Фрейд агрессив энергиялардан ҳалос бўлишда катарсис ҳолат ёрдам бериши мумкинлигини таъкидлайди. Катарсис реал, нормал ҳолатларда ҳар хил куч талаб этувчи ўйинлар (футбол, бокс) ёки шу ўйинларни томоша қилиш орқали агрессив энергиядан ҳалос бўлишни

ифодалайди. Фрейднинг фикрича, агрессия кишилик табиатининг муқаррар ҳолати яъни инсон назоратида турмайдиган ҳолатдир.

Фрустрацион агрессия назарияси. 3.Фрейднинг ўлимидан сўнг 1939 йилда Йельск университети психологлар жамоаси агрессив хулқ-атвор ҳақида тадқиқот олиб бориб, унда: “Агрессия бу тўғридан-тўғри фрустрация оқибатидир” деган фарзни илгари сурдилар. Доллард ва унинг издошларини таъкидлашча, фрустрация, депривация, ғазабланган, таҳдид остидаги одамлар ўзларини агрессив тутадилар, чунки агрессия бу табиий деярли автоматик реакция демакдир. “Фрустрация-агрессия” фарзи ўзининг соддалиги ва муҳим аҳамиятга эгалиги билан кўплаб издошларга эга бўлди, шу ўринда танқидий муносабатларга ҳам учради. Психологларнинг таъкидлашча, фақатгина фрустрация нимадан иборат эканлигини ҳал қилиш эмас, балки қандай ўлчов асосида аниқланишини ҳам ўрганиш муҳимдир. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, агрессия мураккаб феномен эканлиги, фрустрация натижасида вужудга келмаслиги аниқланди. Тадқиқот шуни кўрсатадики, инсонлар фрустрацион ҳолатдан ҳар хил таъсирланадилар, баъзи кишилар ҳақиқатдан агрессия билан жавоб қайтарсалар, бошқалар таъсиротнинг кенг диапазонларини намоён қиладилар. Леонард Берковицнинг фикрича, фрустрация ҳолатида индивидда дастлаб ғазаб кўзғалиб, сўнг унинг оқибатида агрессив хулқ-атвор юзага келади. Қисқасини айтганда, фрустрация агрессив ҳаракатларни намоён бўлишини осонлаштиради. Хулқ-атвор очик (жисмоний ёки вербал) ёки яширин ёпиқ (бирининг ўлимини хоҳлаш истагида бўлиш) ҳолатда бўлиши кузатилади. Агрессив ҳаракатга фақатгина ғазаб эмас, балки агрессив ҳиссиётлар, оғриқ ёки ёқимли ҳолатлар ҳам таъсир кўрсатади. “Фрустрация-агрессия” фарзининг муҳим компонентларидан бири, ғоят яхши натижаларни кутишдир. Қачонки, хулқ-атвор мақсадга эришишга қаратилса, унинг оқибати фрустрацияга олиб келиши мумкин. Масалан, оддий яшаб, камсуқум умр кечирувчи одамлар фрустрацияга тушмайдилар, чунки улар ҳашаматли уй, машина, юқори лавозимларни орзу қилиб кутмайдилар,

качонки уларда бу нарсаларга умид уйғотилса, у ҳолатда фрустрация ҳолатига тушишлари мумкиндир. Берковиц агрессия фақатгина фрустрацияга кўрсатилган реакциялардан бири бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Фрустрация-агрессия фарази шундай қилиб, қуйидаги тартибда ифода этилади.

1. Кўзғатувчи таъсири
2. Ғазабни кўзғатувчи фрустрация ҳолати юзага келади.
3. Ғазаб агрессивликка мойилликни уйғотади ёки агрессив ҳолатни келтириб чиқаради.

Фрустрацияга учраган индивид агрессив ҳаракатларни қилиш, қилмаслиги унинг билим савиясига, воқеликни қанчалик тўғри қабул қилишига, фрустрацияга индивидуал таъсирланишига бўғлиқ бўлади [29].

Кўзғалишни кўчириш назарияси. Зильманн кўзғалишнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишдаги умумий физиологик жараёнларини тушунтиришга ҳаракат қилди. Унинг тадқиқотлари натижаси сифатида “кўзғалишни кўчириш назарияси” яратилди. Бу концепция қуйидаги фаразга асосланади: “Физиологик кўзғалиш қандай намоён бўлишидан қатъий назар у шу заҳоти йўқ бўлмайди, балки аста-секин сўниб боради. Масалан, агар инсон ишхонада ўзи бажарган фаолиятига нисбатан танқидий баҳо олса, у ҳолда уни жаҳли чиқиши ёки тушкун кайфиятда бўлиши кузатилади. Хатто кечки томон у уйига қайтганда ҳам юқоридаги ҳолат натижасида келиб чиққан кўзғалиш устун бўлади. Агар уйда ҳам ёқимсиз ҳолатга дуч келса, у ҳолда инсон ўзини бошқара олмайди, “ўзидан чиқиши” мумкин. Кўзғалиш ғазабни вужудга келтириб, агрессив хулқ-атворни юзага келтиради.”

Когнитив ёндашув. Яқинда ишлаб чиқилган агрессивликни ўрганувчи когнитив моделнинг таҳмин қилишича, илмий кузатишлар билан бир қаторда индивиднинг когнитив қобилияти агрессив хулқ-атворни шаклланишида муҳим аҳамиятга эгадир. Сўнгги йилларда иккита асосий когнитив модел ишлаб чиқилган бўлиб, улардан бири Рауэллом Хезманнинг “Когнитив сценарий модели” бўлса, иккинчиси “Кеннетом Доджемнинг душманлик

аломати модели”дир. Хезманнинг таъкидлашича, ижтимоий хулқ-атвор, хусусан, агрессивлик когнитив сценарий асосида бошқарилади. Сценарий юз бериши мумкин бўлган, тахмин қилинаётган ҳодисани акс эттириб, бу ҳодисани қандай қабул қилиниши ҳамда унинг натижасини ифодалайди. Кеннет Додж ҳаддан ортиқ агрессив бўлган болалар душманлик хусусиятларига кўпроқ мойил бўлишларини таъкидлайди. Бу борада олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, агрессив ўсмирларда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун билимларни етишмаслиги ва агрессивликни қўллаб-қувватлашга бўлган ишончни устунлиги аниқланди. Айниқса уларда муаммони душманлик асосида аниқлашга бўлган мойилликни ажратиб туриши, душманлик мақсадларини ўзлаштириш, алтернатив қарорларни кам мушоҳада қилиш кузатилади. Агрессия низо- келишмовчиликларни ҳал этишнинг оддий, тўғридан-тўғри усули ҳисобланади. Агар инсон ўз истақларини ўзи хоҳлагандек амалга ошира олмаса, у ҳолда атрофидаги кишиларга таҳдид қилиш ёки душманлик ҳаракатларини қўллаш орқали қарши томонга таъсир кўрсатиши кузатилади. Хезманнинг йигирма икки йил давомида олиб борган лангитюд тадқиқотининг натижасига асосланиб шундай хулосага келди. У ақлий тараққиётнинг пастлиги, ўта билимдонлик ёки ижтимоий билимларни юзакилиги болаларда низоларни ҳал этиш усули сифатида агрессив хулқ-атворни ўзлаштиришига сабаб бўлишини эътироф этди. Долф Зильманн томонидан ҳам когнитив сценарий моделига ўхшаш вариант тақлиф қилинди. У қўзғалиш жараёнининг физиологик аҳамияти ва уни когнитив жараёнлар билан ўзаро таъсирини тушунтиришга ҳаракат қилди. Зильманн когнитив жараёнлар ғазаб, қўрқув ва фрустрациянинг энергетик самарасини йўналтириб тартибга солиб бошқаришини таъкидлади.

Ижтимоий ёндашув. Нима учун айрим инсонлар фрустрация ҳолатида ўзларини агрессив тутсалар, бошқа инсонлар бу вақтда одамови, тинчликни сақловчи, ўз услубларини ўзгартиришга интилувчи бўлиб қоладилар. Бу фарқларни аниқловчи асосий омил илгари эгалланган малака ҳисобланади. Инсон тирик мавжудот бўлиб, у ўрганишга, хулқ-атворни ўзлаштиришга

мойил бўлади. Болалар кўпинча хулқ-атвор шакллари ота-оналари ёки атрофидаги кишиларни оддий кузатиш орқали ўзлаштирадilar. Бир қанча олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, болалар агрессив хулқ-атвор шакллари куйидаги шароитларда самарали ўзлаштиришлари кузатилади.

1. Агрессияни кузатиш имкониятига эга бўлганда.
2. Агрессив хулқ-атвор қўллаб-қувватланганда.
3. Кўпинча агрессия объекти бўлганда.

Шу нарса алоҳида диққатга мойилки, агрессив хулқ-атворнинг келиб чиқиши ва намоён бўлишида оила ва оилавий ўзаро муносабатлар, тенгқурлар гуруҳи ҳамда оммавий ахборот воситаларининг роли катта эканлиги алоҳида эътироф этилади. Биологик омиллар билан бир қаторда ижтимоий омилларнинг ҳам таъсири сезиларли даражада намоён бўлади [35].

Агрессия назарияси. “Инсон тажовузкорликка мойиллиги бўлган агрессив хулқ-атвор эгаси сифатида дунёга келадими ёки аксинча агрессив тенденциялардан озод ҳолда туғиладими”, деган масала юзасидан ярим аср мобайнида психолог ва социологлар баҳс-мунозара олиб боришди. Бу муаммо кенг қамровли бўлиб ўрганиш объекти инсон хулқ-атвори ҳисобланади. Бевосита табиат қонуниятлари ва тарбия билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тадқиқ этилади. Биринчи ёндашувга кўра: инсонлар агрессив хулқ-атворга мойил бўлиб, агрессия орқали улар ўзларини, оила аъзолари, яқин кишиларини ҳимоя қилишлари белгиланади. Иккинчи ёндашувга кўра: инсонлар жамиятдаги агрессив моделлар ва хулқ-атвор усулларини ўзлаштиришлари орқали агрессив хулқ-атвор эгаларига айланишади.

Биз юқорида агрессив хулққа таллуқли бўлган асосий назариялар билан танишиб, уларнинг мазмун моҳияти, аҳамияти хусусида қисқача маълумотга эга бўлдик. Бу борада хориж олимлари, мутахассис-психологлариининг агрессив хулқ-атворга оид қарашларини ҳам таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, улар томонидан ишлаб чиқилган назарий тадқиқ этишда методологик асос бўлиб хизмат қилмоқда [34].

Хориж психологларининг (Й.Илин ва б.қ.) таъкидлашича, энг аввало агрессив хулқ-атвор бўлиши учун биринчи навбатда низоли ёки одамни хавотирга солувчи вазият бўлиши лозимдир. Лекин, вазиятнинг мавжудлиги ҳали инсонда жанжанлашишга мойиллик ҳолати пайдо бўлди, деган маънони англатмайди. Биринчидан, инсонларнинг ўзаро муомаласида фикр-истаклари, кизиқиш-мақсадларида тафовутлар бўлиши керак. Иккинчидан, бу тафовутлар ҳар бир киши томонидан, деярли бир хил англаниши лозим. Учинчидан, бу ҳолат ҳеч бўлмаганда бир томоннинг иккинчи томонни ёқтирмаслиги, кўра олмаслигига олиб келиши, фикрлар амалда тўқнаш келиши керакдир.

Агрессивлик муаммоси турли тадқиқотчилар томонидан бирдай инсон хулқ-атворининг коррекциясини тақозо қилувчи, номақбул хулқ шакли сифатида интерпретация қилинади. Агрессиянинг турли: бевосита куч ишлатишдан, рақибни сўз билан ҳақоратлаб, унга таҳдид қилишдан тортиб бошқа бир инсонни яширинча бошқаришга, келгусида кутилаётган нохушликларга шаъма қилувчи билвосита танбеҳлар каби шакллари мавжуд. Агрессиянинг ижтимоийлашувга бўйсунмайдиган дардмандлик даражасидаги шакллари ҳам кузатилади. Шунингдек, шундай хатти-ҳаракатлар ҳам мавжудки, улар гуруҳий ихтилофлар қатнашчиларининг айримлари томонидан агрессия сифатида эътироф этилса, бошқа бир иштирокчилар томонидан қатъийлик, фаоллик, мақсадга эришишдаги изчиллик сифатида таҳлил қилинади. Б.Клайн агрессивликнинг салбий жиҳатларини инкор этмаган ҳолда, агрессияда “маълум маънодаги соғлом жиҳатлар” ҳам мавжуд бўлиб, улар фаол ҳаёт кечириш учун асқотиши мумкинлигини таъкидлайди. Бу мақсадларга эришиш йўлидаги қатъийлик, ташаббускорлик, шиддат, муваффақиятга эришиш, тўсиқларни енгиб ўтиш билан белгиланади. Мазкур сифатлар лидерлар ва ғолибларга хосдир. Р.С.Хоманс “агрессияни адолатни ўрнатишга интилиши билан боғлиқ бўлган вазиятлар ҳам вужудга келтириши мумкин”,- деб ҳисоблайди. Адолатни ўрнатиш вазиятида инсонлар “тақсимланувчи адолатни” яъни мукофот ва

жазоларни холис, тенг тақсимланишини қидириб қоладилар. Адолат мезонлари бузилаётган дамда, аксарият ҳолларда инсонлар яширин нафратни ҳис қилиб, эътироз ёки асабийлик асосида жавоб реакцияларини қайтарадилар. Ижтимоий муҳитда агрессивлик даражаси ижтимоийлашув ва этномаданий нормалар билан белгиланади. Х.Хекхаузен фикрига кўра, маданият “норма”ни белгилайди ва хулқ-атворнинг агрессив шакллари пайдо бўлиш частотасига таъсир кўрсатади. Бироқ, инсон қанчалар ижтимоийлашмасин ўзининг табиатидан воз кечолмайди [33].

М.Раттер ижтимоий дезадаптация деб шундай вазиятларга айтадики, бунда шахснинг асосий муаммоси хулқ-атворнинг ижтимоий номақбул жиҳатларини намоён қилишга йўналтирилган бўлади. Буларга жанжаллашиш, уришиш, бетоқатлик, ёлғончилик, инсонлар билан ёмон муносабатда бўлиш тааллуқлидир. Дарсларни қолдириш, дарсларни бузиш, ўғрилиқ, безорилик каби аксилижтимоий хатти-ҳаракатлар ҳам ижтимоий дезадаптацияга мисол бўла олади.

Аксилижтимоий хулқ-атвори келтириб чиқарувчи омил сифатида агрессивликни М.Раттер бошқача нуқтаи-назардан кўздан кечиради. М.Раттер агрессивликни оиладаги оғир шароитлар, кўпболалилик, мактаб билимларини ўзлаштирмаслик, оила ва мактабдаги таълим ва тарбия услублари каби бошқа омиллар билан муштараклигини таъкидлайди.

Бугунги кунда агрессив характерли болалар сони ортиб бораётганлиги психологиядаги долзарб муаммолардан жой эгаллашига сабаб бўлди. Болаларда агрессив хатти-ҳаракатларни вужудга келиши мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, унга кўпгина омиллар ўз таъсирини ўтказади. Агрессив хатти-ҳаракатлар оила, тенгдошлар гуруҳи, оммавий ахборот воситаси таъсирида аниқланади. Бола агрессив хатти-ҳаракат намуналарини куйидаги уч асосий манбага асосланиб тўплайди:

1. Носоғлом оила муҳити. Бу каби оилаларда ота-она билан фарзанд ўртасидаги муносабатнинг ижобий, психологик иқлимда эмаслиги, фарзандлар ўртасидаги келишмовчиликлар, оиладаги можаролар, низолар,

оилавий ҳамоҳангликни мавжуд эмаслиги, болаларда агрессив хулқ-атвори шаклланишига олиб келади. Болалардаги агрессивликнинг намоён бўлиши оилавий муҳитнинг таъсир даражасига боғлиқ ҳисобланади.

2. Тенгдошлар гуруҳи. Болалар оиладан ташқарида ўз тенгқурлари билан бўлган муносабатда ҳам агрессив хатти-ҳаракатларни ўзларига сингдирадилар. Кўпгина ҳолларда болалар тенгдош дўстларининг хатти-ҳаракатларини кузатган тарзда ўзларини агрессив бошқаришга уринадилар. Ҳаддан ташқари агрессив болалар ўз тенгдошлари орасидан сиқиб чиқариладилар. Бундай болалар ўзларини хўрлангандек ҳис қилиб, ўзлари каби агрессив болалар гуруҳидан жой топадилар, бу эса муаммонинг устига яна муаммо туғдирмасдан қолмайди.

3. Оммавий ахборот воситаси. Бугунги кунда болаларга таъсир этаётган энг кучли қуролдир. Бу борада интернетнинг таъсири кучайиб бормоқда. Болалар интернет алоқалари орқали ўзларининг хусусиятларига тўғри келмайдиган маълумотлар билан ҳам танишмоқдалар. Шу ўринда ойнаи жаҳон орқали намоёниш этилаётган турли жангари филмлар, кўрсатувлар ҳам болаларда агрессив хусусиятларни таркиб топишига таъсир қилмоқда.

Бир қатор психологларнинг таъкидлашича, оиладаги иқлим, ота-она ўртасидаги муносабат, оилавий ҳамоҳанглик ёки аксинча келиша олмаслик, опа-сингиллари, ака-укалари билан яқинлик даражаси, фарзанди томонидан қилинган нотўғри, янглиш хатти-ҳаракатларга нисбатан ота-онанинг таъсирланиши оилада шаклланиб келаётган болани агрессив хатти-ҳаракатларини белгилаб берувчи омиллар бўлиб ҳисобланади. Статистик маълумотларга кўра, АҚШда ҳар йили уч мингдан беш минггача болалар ўз ота-оналарининг уларга нисбатан қаратилган шафқатсиз муносабатларнинг натижасининг қурбони бўлмоқдалар. Шу билан бир қаторда 16% болалар ўз ака-опалари томонидан жисмоний жазо усули: яъни савалаш, калтақлаш билан жазоланмоқдалар. Аниқланишича, АҚШда ўғай ота-оналар бир йилда 400 марта жинойт содир этадилар. Улар ўз фарзандларини ўлимига сабабчи бўлаётганликлари ачинарли ҳолдир.

Агрессиянинг фаол шакллари, биринчи навбатда, ижтимоийлашув, тарбия шароитлари билан белгиланади. Р.С.Сире, Й.Й.Маккоби, К.Левин ўз тадқиқотларида болада агрессив хулқ-атвори белгиловчи икки асосий омилни очиб берадилар: кечиримлилиқ (кечиримлилиқ деганда ота-оналарнинг болаларни барча хатти-ҳаракатларини кечириб юборишига мойилликлари, болани тушуниш ва қабул қилишлари назарда тутилади) ва боланинг агрессив хатти-ҳаракатлари учун ота-оналар томонидан ўта қаттиқ жазо қўлланилиши.

Биринчи омил таъсири хусусида аксарият олимлар қарашларида ҳамжиҳатлик кузатилади. Масалан, Г.Эберлейн агрессивликни “меҳр ва эътибор, талаб боланинг тушқунлиги” деб таърифлайди.

Иккинчи омилга нисбатан эса фикрлар турлича, баъзи бир муаллифлар жазонинг қаттиқлиги агрессивликни вужудга келтирадиган асосий сабаблардан бири десалар, бошқа бирлари турли маданиятлардаги жазо чоралари ҳар хил оқибатларни келтириб чиқарганликларини мисол қиладилар.

**Ота-оналарнинг болаларга бўлган муносабати билан болалардаги
агрессивлик ўртасидаги ўзаро муносабатлар (%)**

Болалар гурухи	Ота-оналарнинг болаларга бўлган муносабатлари	Агрессив болалар сони	
		Ўғил болалар	Қизлар
I	Кам жазолайдилар, камдан-кам ҳолларда кечирадилар	4.3	13.1
II	Камдан-кам ҳолларда кечирадилар, кўп жазолайдилар	20.0	19.0
III	Кўп кечирадилар, кам жазолайдилар	25.7	20.8
IV	Кўп кечирадилар, кўп жазолайдилар	41.0	38.1

Н.Б.Шепиякова ижтимоийлашув самари ва ота-оналар кечиримлилиги билан боғлиқ ўзаро муносабатни таҳлил қилишга ҳаракат қилиб кўрган.

Унинг хулосалари Д.Креч, Р.Кратчфилд ва Н.Ливсон хулосалари билан ҳамоҳангдир [13].

Маълумки, оиланинг тўлиқлиги, нотўлиқлиги ёки қайта тузилганлиги ҳам болалардаги агрессивликни ривожланишига таъсир этувчи омиллардандир. Машҳур психолог Геттингнинг “Оиладаги агрессив болаларни ўрганиш” бўйича олиб борган махсус тадқиқотининг натижасига кўра, нотўлиқ оилаларда ўта қаҳрли, қўпол, агрессив ва шу билан бирга вояга етмаган жиноятчилар келиб чиқаётганлигини алоҳида кўрсатиб эътироф этди. Геттингнинг таъкидлашича тўлиқ бўлган оилаларда ҳам нотўлиқ оилаларда ҳам соғлом ёки носоғлом оилавий муҳит мавжуд бўлади. Оиладаги доимий жанжаллар, можаролар оилада носоғлом муҳитни вужудга келтирувчи бош омиллардир. Носоғлом оила муҳитида асосий эътибор ўзаро зиддиятларга қаратилганлиги сабабли уларда бола тарбияси кўпинча таҳдид ва жисмоний жазолашдан иборат бўлади. Бундай носоғлом оила муҳитида вояга етган болалар ўта агрессив, жиззаки, жанжалкаш бўлиши кузатилган.

Кузатиш ва тадқиқот натижаларини маълум қилишича, агрессивлик ҳолатида шахснинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатлари ўзгаради. Бир қатор руҳшуносларнинг таъкидлашича, фарзанди томонидан қилинган нотўғри, янглиш хатти-ҳаракатларга нисбатан ота-онанинг таъсирланиши ота-она билан бола ўртасидаги ўзаро муносабат оиладаги иқлим, оилавий ҳамоҳанглик ёки аксинча келиша олмаслик, опа-сингиллари, ака-укалари билан яқинлик даражаси оилада шаклланиб келаётган боланинг агрессив хатти-ҳаракатларини белгилаб берувчи омиллар бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда болалардаги агрессив хулқ-атворни ўрганишда икки хилдаги назарий ёндашувга асосланилади. Олуэйз ва Паттерсонларнинг назариялари агрессия ҳақидаги фан тадқиқотининг методологик асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу назарияда оиланинг бошқарув услуби билан агрессивлик даражаларини боғлиқлиги ўз аксини топган. Олуэйз ушбу кўрсаткичлар орасидаги боғлиқлик сабабларини излаш учун доимий ва ўзгарувчан катталикларни тадқиқ этди. У ота-оналар билан суҳбат

уюштириб, болаларнинг агрессияга мойиллигини назарий ва амалий жиҳатдан боғлиқ бўлган тўртта кўрсаткичга асосланиб бу жараёни ўрганди [13].

1. Онанинг негativi – болага нисбатан худбинлик, бегоналашув, бепарволик ва аҳамиятсизлик.
2. Боланинг оила аъзолари ва тенгдошларига нисбатан агрессив хатти-ҳаракатда бўлишига онанинг тоқат билан ёндашиши.
3. Ота-она томонидан жисмоний жазо методининг қўлланиши.
4. Боланинг темпераментидаги фаоллик даражаси ва тортинчоқлик.

Паттерсон ва унинг издошлари оилавий муносабатлар моделини ишлаб чиқдилар.

2.2 Ўсмирлар ижтимоийлашувининг ижтимоий-психологик хусусиятлари

Ўспиринлик даври ижтимоийлашувнинг якунловчи босқичидир. Бу даврга асосан 13-19 ёшларни киритиш мумкин. Демак, ижтимоийлашув жараёнида асосан қадриятлар, ижтимоий нормалар ўсмирликда таркиб топар экан. Бу борада қадриятларнинг ўрни бекиёс бдир, ушбу қадриятлар оиладан бошланиши билан характерланади. Ижтимоийлашув жараёнида катталардан ибрат олишнинг психологик механизмлари намоён бўлади. Ибрат олиш кийинидан то касб танлашгача бўлган ҳодисаларни қамраб олган. Ижтимоий муҳитнинг ҳар хил таъсири натижасида ўсмирларнинг психик тараққиётида реал воқеликнинг борган сари чуқурроқ, фаол, амалий акс эттиришидан иборатдир. Уларнинг ижтимоийлашувига бошқа омилларнинг ҳам таъсири борлиги кузатилмоқда. Бу омилларнинг таъсир даражаси, шакллари турли даврларда айрича ва ўзига хос бўлиши мумкин. Масалан, бундан 7-8 йил аввал ўсмирларнинг ижтимоийлашувига интернет тармоқлари деярли таъсир ўтказмаган бўлса, ҳозирги кунда унинг таъсири етакчи ўринлардан бирига айланмоқда. Шунингдек, ўсмирлар ижтимоийлашувига жаҳонда кечаётган

глобаллашув жараёни ҳам сезиларли равишда таъсир ўтказмоқда. Глобаллашув жараёнида миллатлараро, давлатлараро, маданиятлараро мулоқотнинг кучайиши алоқа воситалари (уяли телефон, интернет, телевидение, компьютер ўйинлари ва ҳоказо)нинг тез ривожланиши билан боғлиқ..

Ўсмирларнинг ижтимоийлашув жараёнига психофизиологик ўзгаришлар таъсир этмайди, дейиш нотўғри. Унинг физиологик ўзгариши (жинсий етуклик) алоҳида психологик силжиш жараёнини ажратиб беради: бу ҳол унда бошқа жинсга бўлган қизиқиш, тажовуз, оқибатини ўйламасдан таваккал қилиш, мустақил бўлишга интилишларини тақозо этади. Ички психологик механизмлар сирасида бу қизиқишлар, интилишлар алоҳида ўрин тутadi. Ижтимоийлашув жараёнида ўсмирларнинг санъатга, янгиликларга, обрў-эътиборга аҳамиятли бўлишлари, бир томондан, уларнинг мустақил ва фаолиятда эркин бўлишга интилишларини кўрсатса, иккинчи томондан ушбу маданият воситаларининг таъсир кучи ёшларда муҳим ўрин эгаллашларини тасдиқлайди. Россияда бу ҳолатни ўрганувчи олимларнинг кузатишларича, ўсмирликда уч хил асосий негатив позициялар юзага келиши мумкин: бу гиёҳванд моддаларга қизиқиш, зўрлаш ва жароҳат етказишдир. Айнан шунинг учун ўсмирлик даврини “ўтиш даври”, “қийин босқич”, деб аталиши бежиз эмас. Унинг мазмун моҳияти ўсмирнинг хулқ-атворидаги ўзгаришлар билан белгиланади: кичик ёшидан ота-онага қарам, бўйсунувчан бола сирли, ўзига ишонган, мустақил қарор қабул қилиш имкониятларига эга ўсмирга айланади. Илгари ота-она кўрсатмаси, дунёқараши билан иш тутадиган бўлса, энди у икки хил дунёни сарҳисоб қила бошлайди: ўсмирнинг қадриятлар тизимига параллел равишда янгича қарашлар мажмуи вужудга келади. У бир томондан ота-она кўзи билан ўзига бола сифатида қараса, иккинчи томондан тенгдошларининг дунёқараши, феъл-атвори хатти-ҳаракатларида акс эта бошлайди. Унинг шахс бўлиб шаклланиш фундаменти бу даврда яқун топиб, дунёқарашнинг юқори босқичларига интилиши

кучади. Ўзлигини англаш “Мен” белгиси (символи) ота-она ҳаётидан, дўстлари, социумда ўз ўрнини эгаллашга ёрдам беради. Шунинг билан бирга, ҳаёт мазмунига баҳо беришда кадриятлар излаш ҳодисаларини ҳам излаб топишга ҳаракат қилади ва бу жараён орқали “Мен” белгисига тааллуқли бўлган ижтимоий белгилар, ижтимоий муҳитни ўз тасаввурида шакллантиради. Шунингдек, ўсмирлар атрофдагиларга нисбатан негатив баҳо беришга ҳам мойилдир, одамларнинг кийиниши, ташқи кўриниши, ўзини тутиши, хатти-ҳаракатларига нисбатан муносабатларини билдиради. Ўзининг фикри билан иш тутишга, ўзига нима маъқул бўлса шуни амалга оширишга ҳаракат қилади. Ўсмирлар ижтимоийлашувининг қийинчиликлари уч хил кўринишга эга:

- ўзига юқори баҳо бериш (қахрамонлик кўрсатиш, ҳаммага танилиш)ни хоҳлайди, лекин ижтимоий мавқеи пастлиги билан;

-ўсмир фикри билан ота-онанинг эскича фикрлаши, маданияти тўғри келмаслиги (у ота-онага ўсмир ёшида ҳам бола бўлиб кўриниши), лекин ўсмир психофизиологик жиҳатдан катта бўлиб қолганлиги билан;

-тенгдошлари фикри билан ўсмирнинг ўзигагина хос бўлган мустақил кадриятларини тўғри келмаслиги билан ифодаланади.

Тенгдошлар гуруҳи бир хил ёшдаги болаларнинг дўстона компаниясидир. Баъзи маданиятларда, айниқса, кичикрок анъанавий жамиятларда тенгдошларнинг гуруҳлари ёш туркумларига қараб шаклланади. Ҳар бир авлод ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга, булар ёш улғайган сари ўзгариб боради (ёшга қараб туркумланиш, одатда ўғил болаларга тааллуқли). Индивидларнинг бир ёш туркумидан иккинчисига ўтиши одамда ўзига хос расм-русмлар билан нишонланади. Тахминан бир хил ёшдаги тенгдошларнинг дўстлик муносабатлари одатда бутун умр давомида сақланиб қолади.

Тенгдошлар билан муносабатлар кўпинча инсоннинг бутун умри

давомида ўз аҳамиятини йўқотмайди. Бу, айниқса, индивидлар битта норасмий бир хил дўстлар гуруҳига эга бўладиган кичик аҳоли яшаш пунктлари учун хос. Бундай бўлмаган тақдирда ҳам тенгдошлар билан муносабатлар болалик ва ўсмирлик давларидан кейин ҳам сезиларли таъсир ўтказади. Иш жойларида ёки бошқа вазиятларда бир хил ёшдаги одамларнинг норасмий гуруҳлари индивид одатлари ва позициясининг шаклланишида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ўсмирлар ижтимоийлашувига таъсир этувчи яна бир омил бу оммавий ахборот воситасидир.

“Ижтимоийлашув” деган тушунча ўсмир шаклланиши муаммосининг ўзига хослигини белгиловчи асос бўлиб ҳисобланади. Ж.Аронфриднинг фикрича, ижтимоийлашув фақат рағбатлантиришга таяниши мумкин эмас. Ижтимоийлашувнинг бузилишидаги асосий сабаблар ичида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) катталарнинг ўсмирга шахс сифатида эмас, балки таъсир объекти сифатидаги муносабати. Баъзи катталарнинг хулқи ўсмирда унинг ўзида мавжуд бўлмаган сифатларини шакллантиради. Бу эса унда катталарнинг маслаҳатларини нотўғри қабул қилишига сабаб бўлади. Ўсмир катталар ҳаракатида, талабларида ўзлари амал қилмайдиган ёки ўзларига мос бўлмаган хатти-ҳаракатларни кўриб сезсалар, улардан қоча бошлайдилар. Улар ўзларини алдамайдиган, тенг кўрадиган инсонни излай бошлайдилар;

б) жуда кўп болалар учун оила, афсуски, тажовузкор ахлоқ ва психик жароҳатни келтириб чиқарувчи вазиятларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Ўсмир ўзи яшаётган оилани бошқа оилалар билан тенгдошларининг гаплари, атрофидагиларнинг фикри бўйича солиштиради, ҳар доим ҳам тўғри бўлмаган хулосалар чиқаради. Гарчи ўзи оиладаги вазиятни яхшилаш учун бирор нарса қилишга қодир бўлмаса-да, курашади. Ўсмир атрофидаги синфдошлари, тенгдошлари бир мунча ҳузур-ҳаловатли шароитларда

яшаётганларини кўради, бу нарса ҳам ўсмирнинг ривожланишида маълум бир таъсирни кўрсатмай қолмайди. Демак, ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаган ўсмир тушунчасида қарама-қаршиликлар пайдо бўлади. Бу вақтда ўқитувчиларнинг ўсмирни оилавий шароити, мижози, ривожланиш имкониятларини ҳисобга олмай қилган муомалалари ҳам ўсмир хулқида кескин бурилишлар яшашга олиб келиши мумкин;

в) ўсмир ҳаётининг шароитлари (етимлик, жиноятчилик, жисмоний ва психик заифликлар). Жиноятчиликнинг катта фоизи ҳаёт шароити ўта оғир бўлган ўсмирлар, яъни жиноятчи ота, жиноятчи она ёки ҳар иккови мунтазам спиртли ичимликлар истеъмол қилувчи, жанжалкаш оилаларнинг болалари жисмоний ва психик оғиши бўлганлар ҳисобига тўғри келади. Кўп ҳолларда бундай ўсмирлар катталар ва қариндошлари назоратидан четда қоладилар, ҳеч нарса билан банд бўлмайдилар ва бунинг оқибатида ёмон таъсирларга берилувчан бўладилар. Улар ўзларининг ҳаракатлари билан жамиятнинг, яқинларининг эътиборларини жалб этмоқчи бўладилар, ўзлари кирган доирада эса ўзларини шахс сифатида намоёниш этадилар.

“Шахс ижтимоийлашуви” тушунчасини кириб келишида турли соҳа олимлари ҳам ҳояларини илгари суришган. Ю.А.Александровский, В.Н.Шубкин ларнинг илмий ишларида “Ижтимоий адаптациянинг маъноси, шакл ва омиллари”, “Россиянинг янгича ижтимоий-иқтисодий жараёнига аҳолининг ижтимоий адаптацияси” мавзуларида илмий талқин этилган. Шунингдек, шахс ижтимоийлашуви муаммоларини очиб беришга ҳаракат қилган Ғарб олимлари О.Брим, Т.Парсонс, Р.Коллинз, Т.Джастер, Э.Эриксон, Р.Гоулд, М.Вед ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Ижтимоий мослашувдаги филогенетик ёндашув асосчиси рус олими И.Н. Аксёнов аниқлашича, бу ижтимоийлашув жараёни уч босқичда кечади:

- 1) шахснинг ўзлигини англаши;
- 2) жамоавийлик қоидаларни ўрганиши;

3) ижтимойлашувнинг амалий аҳамият касб этиши.

Бу ёндашувнинг дастлабки “номинация босқичи”, иккинчиси “касбий босқич” ва учинчиси “универсал босқич” деб номланган. Олимнинг бу фикрини ҳисобга оладиган бўлсак, социумнинг таркибий қисмларида ўсмирнинг ижтимойлашувини англаш, ўрганиш ва амалиётга қўллаш тарзида кечади. Зеро, ўсмирнинг оилада, ўқув, меҳнат ва жамоалар гуруҳларида ижтимойлашиб бориши уч муҳим хусусиятни – билиш, ўрганиш ва амал қилишни қамраб олади. Социумнинг ўсмирга бундай таъсир этиш йўли давомийлик қонуниятига асосан кечади. Унга кўра ўсмир ижтимоий билим, ижтимоий ахлоқ ва ижтимоий фаолиятни ҳосил қилиши учун бутун ҳаёти давомида ривожланиб боради.

II-боб бўйича хулосалар

1. Турли психологик назариялар агрессияни қуйидагича тушунтиришга интиланлар:

Биологик нуқтаи назардан (ички энергия, эволюция маҳсули, ирсийлик).

Психологик нуқтаи назардан (бузғунчилик инстинкти; мақсад сари йўналганлик; салбий ҳаракатга бўлган реакция; мустаҳкамланган бетараф кўзғалишлар; ахборотни қайтадан кўриш функцияси; тақлид қилиш, мустаҳкамлаш орқали ўрганиш натижаси; қарор қабул қилиш жараёни).

2. Ижтимоийлашувга доир икки қараш мавжуд:

А) Муайян ижтимоий муҳитга кириши билан индивид ижтимоий тажрибани ўзлаштиради;

Б) Инсон ижтимоийлашув жараёнида муҳитга фаол кирар экан ижтимоий муносабатлар тизимини қайта ҳосил қилади.

Бошқача қилиб айтсак, киши ижтимоийлашув жараёнида нафақат тажриба орттиради, балки ўзини, ўз ички салоҳиятларини намоён қилади

III-боб. Ўсмирларда агрессив хулқ-атвор намоён бўлишининг гендер фарқларини экспериментал тадқиқ этиш

3.1 Ўсмирларнинг ўз-ўзини баҳолаш структураси агрессив хулқ- атвор детерминанти сифатида.

Ўзга берилган баҳони тадқиқ этиш йўналишларидан бири бу мазкур феноменнинг бошқа шахс хусусиятлари билан ўзаро алоқадорлигини кидирмоқдир, хусусан, эмоционал дискомфортлик яъни хавотирлилик билан. ЎБ шахс хусусияти сифатидаги хавотирлилик билан муайян корреляцион алоқалар мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар мавжуд. Ўзига берилган баҳо юқорилиги хавотирлиликнинг қуйи даражасига релевантлиги, шунингдек, бунинг акси бўлган беқарор ўзга берилган баҳода ҳам хавотирлилик индексининг ошиши қайд этилиши мумкин. Агар одамнинг ўзини баҳолаши хулқ-атворни белгиловчи омил билан тасдиқланишини инобатга олдиган бўлсак, унда уни шахсга доир бошқа ўзгарувчилар билан бўлган ўзаро муносабатларини топиш алоҳида аҳамият касб этади, яъни оддий корреляциялар ортида сабабий-оқибатли алоқалар яширин бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Бундай ҳолат эса, ўз навбатда, мазкур алоқаларнинг ўзини, уларнинг муқаррарлигини текширишни тақозо қилади.

Ўсмирларнинг ўз-ўзини баҳолаш структураси (Реал-Мен ва Идеал -Мен) даги жиддий ўзаро номувофиқлик, эмоционал дискомфортдан дарак бериб агрессив хулқ-атворни вужудга келишига таъсир қилиши мумкинлигини исботлаш учун бизлар Шахслараро муносабатлар интерперсонал ташҳисининг модификациялаштирилган варианты тестидан фойдаландик (Т.Лири - Собчик).

Шахс атрофдагилар билан ўзаро таъсирнинг долзарблаган жараёнидаги хатти-ҳаракатларида намоён бўлишига асосланиб Тимоти Лири эмпирик кузатишларни шахслараро ўзаро таъсирининг 8та умумий, ёки 16 та тобора конкретлаштирилган октантлари – вариатнлари кўринишида системалаштирган. Шахслараро хулқ-атвор типларига мувофиқ жами 128 та

анчагина оддий тавсиф-эпитетлардан иборат сўровнома ишлаб чиқилган. Сифат тавсифи у ёки бу шахслараро муносабатлар вариантыни акс эттирувчи устувор типларни аниқлашни кўзда тутди. Октантларнинг ифодаланганлик даражаси тегишли баллар ва шахснинг маълум тавсифлари билан белгиланади. Октантларнинг қутбий тавсифларига тўхталиб ўтамиз.

Шахслараро муносабатларнинг дастлабки (1, -2, -3, -4 -) тўртта типи ноконформ тенденциялар устунлиги ва дезьюктив (конфликтли) кўринишларга мойиллик (3-4), фикрларнинг кўпроқ мустақиллиги ва ўз нуқтаи назарини ҳимоялашда қатъийлик, лидерлик ва устўворлик тенденциялари (1 - 2) билан характерланади. Қолган тўртта (5, -6, -7, -8 -) октант аксинча картинани намоён этади: конформ тенденциялар устунлиги, атрофдагилар билан алоқаларда конгруэнтлик (7-8), ўзига ишномаслик, атрофдагилар фикрига ён босиш, мурасага мойиллик (5,6)ни билдиради.

Шахслараро муносабатлар интерперсонал ташҳиси методикасининг марказий тенденция кўрсаткичлари (Долзарб -Мен)

Шкалалар номи	Ўртача	Стандарт оғиш	N
Хукмрон – лидерлик	10.09	3.12	60
Мустақил – устуворлик	11.41	2.58	60
Тўғри – тажовузкор	13.18	3.64	60
Ишончсизлик – скептиклик	6.85	1.96	60
Итоаткор – тортинчоқлик	6.57	1.57	60
Боғлиқлик – буйсунувчанлик	6.5	1.05	60
Ҳамкорлик – конвенциаллик	4.53	1.11	60
Масъулиятли – бағри кенглик	5.51	1.65	60

Ўсмирларнинг Долзарб-Менига тааллуқли натижаларнинг марказий тенденцияси қуйидаги манзарани очиб берди:

Хукмрон-лидерлик шкаласининг ўртача қиймати 10.09 ни ташкил этган, Мустақил – устуворлик шкаласиники- 11.41, Тўғри – тажовузкор

шкаласининг ўртача қиймати- 13.18, Ишончсизлик – скептиклик шкаласи ўртача қиймати- 6.85, Итоаткор – тортинчоқлик шкаласи- 6.57, Боғлиқлик – буйсунувчанлик шкаласи кўрсаткичи – 6.5, Ҳамкорлик – конвенциаллик шкаласи бўйича – 4.53 ва Масъулиятли – бағри кенглик шкаласи эса – 5.51ни ташкил этганини кўрсатди.

Шахслараро муносабатлар интерперсонал ташҳиси методикасининг марказий тенденция кўрсаткичлари диаграммаси(Долзарб-Мен)




Шахслараро муносабатлар интерперсонал ташҳиси методикасининг марказий тенденция кўрсаткичлари (Идеал-Мен) (N=60)

Шкалалар номи	Ўртача	Стандарт оғиш
Ҳукмрон – лидерлик	8.06	2.47
Мустақил – устуворлик	9.72	2.06
Тўғри – тажовузкор	7.79	1.96
Ишончсизлик – скептиклик	5.73	1.35
Итоаткор – тортинчоқлик	6.85	1.59
Боғлиқлик – буйсунувчанлик	6.62	1.67
Ҳамкорлик – конвенциаллик	11.83	2.54
Масъулиятли – бағри кенглик	9.14	2.38

Ўсмирларнинг Идеал-Менига тааллуқли натижалар таҳлили эса марказий тенденциянинг бироз бошқача манзарасини очиб берди:

Ҳукмрон-лидерлик шкаласининг ўртача қиймати 8.06 ни ташкил этган, Мустақил – устуворлик шкаласиники- 9.72, Тўғри – тажовузкор шкаласининг ўртача қиймати- 7.79, Ишончсизлик – скептиклик шкаласи ўртача қиймати- 5.73, Итоаткор – тортинчоқлик шкаласи- 6.85, Боғлиқлик – буйсунувчанлик шкаласи кўрсаткичи – 6.62, Ҳамкорлик – конвенциаллик шкаласи бўйича – 11.83 ва Масъулиятли – бағри кенглик шкаласи эса – 9.14ни ташкил этганини кўрсатди.

Шахслараро муносабатлар интерперсонал ташҳиси методикасининг марказий тенденция кўрсаткичлари диаграммаси(Идеал-Мен)



Ўз-ўзига берилган баҳонинг агрессия шакллари билан боғлиқлиги (N=60)

	Жисмоний агрессия	Вербал агрессия	негативизм	Ғашлик	Гумонсираш	Айб ҳисси	аламзадалиқ
Хукмрон – лидерлик	,497(**)	,341(**)	-	-,286(*)	,364(**)	,358(**)	,427(**)
Мустақил – устуворлик	,571(**)	,501(**)	-	-,278(*)	,284(*)		,398(**)
Тўғри – тажовузкор	,690(**)	,340(**)	,238(*)	,276(*)	,356(**)		,444(**)
Ишончсизлик – скептиклик	-	,232(*)	,330(**)	,295(*)	,384(**)		
Итоаткор – тортинчоқлик	-	-	-		,325(**)	,358(**)	
Боғлиқлик – буйсунувчанлик	,387(**)	-	-				
Ҳамкорлик – конвенциаллик	-	-	,276(*)				-
Масъулиятли – бағри кенглик	-	-	-	-	-	-	-

Хукмрон-лидерлик яъни танқидга тоқатсизлик, ўз имкониятларини ортиқча баҳолаш, фикрларнинг диктат услуби, бошқаларга буйруқ беришга императив эҳтиёж, деспотизм қирралари агрессиянинг негативизмдан ташқари деярли барча кўринишлари билан боғлиқ экани кўзга ташланади.

Худди шундай манзара мустақил-устувор (ўзбошимча, нарцистик, атрофдагилардан устунлик ҳисси ифодаланган, кўпчилик фикридан фарқли ўз фикрига эгалик тенденцияси ва гуруҳда ажратилган позицияга эгалик), тўғри тажовузкор (ҳаддан зиёд қайсарлик, дўстона эмаслик, ўзини тута билмаслик ва жаҳли тезликни) факторларида ҳам кузатилмоқда.

Тўғри – тажовузкор шкаласи кўрсаткичлари ифодаланганлик даражасига кўра бу октант ҳаддан зиёд қайсарлик, дўстона эмаслик, ўзини тута билмаслик ва жаҳли тезликни (юқори баллар) ифода этади. Ва мазкур шкаланининг жисмоний, вербал, билвосита, негативизм, ғашлик, гумонмираш, аламзадалиқ каби агрессив хулқ-атвор кўринишлари билан алоқадорлиги кузатилди.

Ишончсизлик – скептиклик шкаласи скептицизм ва ноқонформлик (8 баллгача) ўта хафа бўлувчан ва атрофдагиларга ишончсиз муносабат модулига, критицизмга мойиллик, атрофдагилар билан муносабатлардан норозилик ва шубҳаликка ўтади. Ушбу шкала агрессиянинг вербал,

негативизм, гумонсираш ва ғашлик кўринишлари билан боғлиқлиги кўзга ташланади.

Итоаткор – тортинчоқлик бу шахслараро муносабатлардаги камтарлик, тортинчоқлик (3-4), ўзгалар масъулиятини ўз зиммасига олиш (8баллгача), 12дан юқори балларда тўла итоаткорлик, оширилган айбдорлик туйғуси, ўз-ўзини камситишни акс эттиради. Бу шкала бўйича олинган натижалар агрессиянинг айбдорлик ҳисси ва гумонсираш шакллари билан узвий боғлиқлигини кўрсатди.

Боғлиқлик – буйсунувчанлик шкаласи эса битта жисмоний агрессия кўриниши билан алоқада эканида намоён бўлди.

Ҳамкорлик – конвенциаллик шкаласи референт гуруҳ билан яқин ҳамкорлик, атрофдагилар билан дўстона муносабатларга интилувчи шахсларга хос бўлган шахслараро муносабатлар услубини ифодалайди. Шахслараро муносабатларнинг бу услуби негативизм шкаласи билан узвий боғлиқлигини кўрсатди.

Қолган октантлар агрессив хулқ-атвор шакллари билан аҳамиятли равишда боғлиқ эмаслиги аниқланди.

3.2. Агрессив хулқ-атворнинг гендер фарқлари.

Индивидуал тараққиётни ўрганишга доир тадқиқотлар агрессив хулқ-атвордаги жинсий фарқлар илк болалик даврдан: ўртача уч ёшдан, кўзга ташланар экан. Лоубер ва Стоутмахер-Лоубер бола тараққиётининг турли давларидаги агрессив хулқ-атворданинг жинсий тафовутларини қуйидаги жадвалда келтирганлар:

Индивидуал тараққиёт босқичлари	Аломатлар	Жинсий тафовутлар
Илк болалик	Фрустрация ва жаҳл	йўқ
2-3 ёш	Инструментал агрессия	Кичик фарқлар
Мактабгача ёш даври	Шахсий агрессия Жисмоний агрессия	Мавжуд
Бошланғич синфларда	Билвосита агрессия	Мавжуд
Ўрта мактаб	Гуруҳий тажовуз Оғир тажовуз Сексуал тажовуз	Мавжуд

Жадвалдан агрессив хулқ-атвордаги жинсий фарқлар мактабгача ёш даврдан кўзга ташланади. Лоубер ва Стоутмахер-Лоубер, бундан ташқари, ўғил болалар ва қизлардаги агрессив хулқ-атвор ривожига ҳам фарқланишини кузатган: қизларнинг аксарияти ўсмирлик ёшига келиб агрессивлашади, олдинги ёш давларида бундай хулқ-атвор унчалар ҳам кузатилмасда. қизлар жиноятининг авжи ўғил болаларникидан илгарироқ қайд этилади. агрессиядан низони ечиш воситаси сифатида маъқулланишида ҳам қиз болалар ва ўғил болаларда агрессив хулқ-атворнинг жинсий фарқлари мавжуд.

Эркаклар агрессивроқ эканликлари исботланган бўлсада, аёллар агрессияси ҳам йўқ эмас. Бьорквист ва Ниемала аёллар агрессиясининг турли жиҳатларини тўла-тўқис тадқиқ этганлар. Уларнинг тадқиқотларига кўра, аёллар агрессиянинг билвосита шакллари: масалан шахслараро муносабатлардаги агрессияни маъқул кўришар экан, яъни ғийбат қилишни. Тадқиқот агрессиянинг билвосита шакллари эркакларда ҳам мавжудлигини кўрсатди, бироқ улар кўпинча рационал агрессия шаклига эга эди. Агрессив хулқ-атворнинг бундай кўринишларига танқид, киноя, истехзолар киради.

Агрессиянинг жинсий фарқларини тушунтиришда уч хил асосий ёндашув мавжуд:

Гормонал. Яъни эркаклар жинсий гормони саналган тестостерон агрессив хулқ-атворни намоён бўлишига сабаб бўлиши мумкинлиги. Бироқ тадқиқотлар агрессияни тестостерон билан боғлиқлигини исботламади. Халперн, Удри, Кемпбелл ва Сачиндрен тестостерон билан агрессия ўртасидаги алоқадорлик мавжуд эмаслигини ўз тадқиқотларида асослаб беришга уринганлар.

Эволюцион. Мазкур назария эркаклар агрессиясининг адаптив моҳиятини очиқ беради, яъни агрессия ёқимтой аёлларга етишиш имкониятларини ошириши мумкин дейилади. Арчер, Холлоуэй ва Мак-Лафлинлар мазкур назарияни маълум даражада исботлаб берганлар.

Ижтимоий роллар модели назарияси: агрессив хулқ-атвор инсон томонидан ижтимоийлашув жараёнида ўзлаштирилади деб ҳисоблайди. Ушбу моделга кўра, эркакларнинг агрессияга мойиллиги ва аёлларнинг агрессияни ёрқин

тизгинлай олишлари- кўп жиҳатдан жинсий-ижтимоийлашув жараёни натижасидир.

Уччала ёндашув ҳам жинсий тафовутларни тушунтиришда ўзига яраша ҳисса қўшади. Барча ёндашувлар агрессив хулқ-атворнинг жинсий фарқларини тушунишимизда бизга кўмак беради. Бизларнинг тадқиқотимиз эса илгари таъкидлаб ўтганимиздек, эволюцион ёндашувга таянади, яъни жинсий фарқлар ирсий белгиланишига.

Биз ўсмирлик ёшидаги агрессив хулқ-атворнинг жинс фарқларини тадқиқ этишни ўз олдимизга мақсад қилиб олганмиз. Мазкур мақсадга мувофиқ қуйидаги вазифаларни бажаришимиз зарур бўлди:

Ўсмирларнинг шахс хусусиятларини ўрганиш.

Агрессив хулқ-атворнинг жинс тафовутларини аниқлаш.

Ўсмирларнинг фрустрация ҳолатидаги жавоб реакцияларини ўрганиш

Тадқиқотнинг объекти: Ўсмирлар.

Тадқиқотда қуйидаги илмий фаразни илгари сурганмиз:

Ўсмирлардаги агрессивлик уларнинг фрустрацион ҳолатдаги жавоб реакциялари ҳамда улар томонидан қўлланиладиган зиддиятли вазиятларни енгиб ўтишга ёрдам берувчи хулқ-атвор механизмлари билан белгиланган бўлиб муайян гендер тафовутларга эга бўлиши мумкин.

Мазкур фаразларимизни исботлаш учун бизлар:

1. Кузатиш методи. Кузатиш методи ёрдамида тажриба гуруҳларида бир қанча дарсларда системали равишда махсус дастур асосида кузатилди ва бу маълумотлар махсус кундаликка қайд қилинди.
2. Суҳбат методи. Тадқиқотнинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда мақсадли суҳбатлар уюштирилди.
3. Басс ва Дарк томонидан таклиф этилган, Осницкий томонидан модификация қилинган «Агрессия шакллари ўлчаш» методикаси;
4. С.Розенцвейг методикаси.
5. Енгиб ўтувчи хулқ-атвор механизмларини ўрганиш методи.

6. Тадқиқотда олинган эмпирик материалларнинг валидлиги ва ишончилигини аниқлаш учун математик статистика метод (Пирсоннинг корреляция коэффиценти, факторли анализ)ларидан фойдаландик.

Кузатув махсус дастур асосида олиб борилди. Кузатиш учун бизлар агрессив ўсмирларни танлаб олиб, қуйидагиларни аниқлашга ҳаракат қилдик:

I. Умумий маълумотлар:

- а) бола тарбияланаётган муассаса, гуруҳ;
- б) туғилган куни ва йили;
- в) фамилияси, исми, отасининг иоми;
- г) жисмоний камолоти ва саломатлиги;
- д) қайси оиладан эканлиги, яшаш шароити, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари;
- е) шу муассасага қачондан қатнай бошлаганлиги.

II. Ўқитувчилар ва болалар билан муомала-муносабати:

Ўсмирларнинг гуруҳдаги обрўйи, бошқа болаларни ёқтириши, шунингдек, уни ҳам бошқа болаларнинг ёқтириш-ёқтирмаслиги;

Синфда кимлар билан иноқ? Уларнинг иноқлиги нималарда кўринади?

Болалар билан келиша олмай жанжаллашадими, нима сабабдан?

Синфда ўзини эркин ҳис қиладими, гуруҳдаги умумий ҳолат унга ёқадими, сабаби нимада?

Ўзининг мактабга қатнаётганидан хурсандми?

Синф раҳбари билан муносабати қандай, уни ёқтирадими, ҳурмат қиладими?

III. Ўсмирнинг фаолияти ва психик процессларининг ривожланиш даражаси:

Кузатилган ўсмирларнинг мушғулотлардаги активлиги;

Ўсмирнинг сўз бойлиги, нутқининг образлилиги, эмоционаллиги, ифодалилиги, ўз фикрини оғзаки баён қила олиши, гапириш суръати ва овоз тони.

Ўсмирнинг машғулотларга қизиқиши, қайси машғулотга кўпроқ қизиқиши.

Уйин ва машғулотларда бола хаёлий образларининг намоён бўлиши.

Ўсмирнинг билишга интилиши, қизиқиши ва тиришқоқлиги.

Ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаришдаги мустақиллиги ва ҳ.к хусусидаги маълумотлар мазкур кузатув асосида йиғилди.

Басс ва Дарк томонидан таклиф этилган, Осницкий томонидан модификация қилинган «Агрессия шакллари йўлчаш» методикаси бўйича олинган тест натижалари қуйидаги жадвалда берилган:

агрессия	Жисмоний	Вербал	Билвосита	Негативизм	ғаш	гумон	алам	Айб хисси	Агр. индекси	Ғайр индекси
Ўғил (М- ўрта)	65	45	38	63	61	57	55	65	0,68	0,56
Қиз (М- ўрт)	43	58	64	34	58	62	59	62	0,54	0,63
	P=0,05	P=0,05	P=0,05	P=0,05					P=0,05	

Юқорида келтирилган жадвалдан ўғил болаларда жисмоний агрессия- бошқа бир одамга қарши жисмоний куч ишлатиш ва -воқеъликка салбий муносабатда бўлиш, ҳамма нарсани инкор этиш – раҳбарият ёки обрўга қарши йўналган хулқ-атвор, талаб, тартиб, қонунларга қарши пассив моневликдан фаол хатти-ҳаракат даражасигача бориб етиши мумкин бўлган негативизм бўйича статистик жиҳатдан аҳамиятли тафовутлар, яъни агрессиянинг мазкур шакллари бўйича юқори кўрсаткичлар кузатилмоқда. Қиз болаларда эса вербал агрессия – салбий ҳис-туйғуларни оғзаки тарзда ифодалаш (жанжал, қий-чув солиш, сўқиниш, таҳдид, лаънат айтиш, қарғиш кабилар) ва орқаворотдан бўладиган ё билвосита агрессия – бошқа шахсга қаратилган ғийбат, пичинг кўринишидаги билвосита олинадиган алам, нафратнинг йўналиши аниқланмаганлиги ҳам бўлиши мумкин (ер тепиш, бақириб-чақириб) шакллари бўйича устунлик кўзга ташланмоқда. Бундан ўғил болалар ҳамма нарсага салбий муносабат билдиришга ва жисмоний куч ишлатишга мойиллиги кўриниб турибди. Қиз болаларда эса ўғил болалардан фарқли равишда, тил билан ва билвосита агрессияга мойиллик юқорилиги кўзга ташланади.

С. Розенцвейгнинг фрустрацион тест натижалари таҳлили қуйидаги жадвалда берилган:

		Ўсмирлар		Жами
		Қиз	Ўғил	
стрессга	экстрапунитив	19	14	33
Реакциялар	интрапунитив	8	19	27
Жами		27	33	60
$\Phi_{\text{эмп}} = 0,283$ $\Phi_{\text{кр}} = 0,234$	$p=0,01$			$p=99\%$ даражада

Мазкур жадвалдан ўғил болаларда экстрапунитив жавоб реакциялари устиворлиги қайд этилганани кўришимиз мумкин. Яъни стресс вазиятида улар айбни атрофдагилардан қидиришга ҳаракат қилишар экан. Бундай вазиятда, албатта, айбдорлар «бировлар» бўладиган бўлса унда куч ишлатса бўлаверади деган тушунча уларда ўз-ўзидан пайдо бўлиши тайин. Қиз болаларда эса интрапунитив реакциялар устиворлиги аниқланди. Демак, қиз болалар стресс вазиятига тушганда аксарияти айбни ўзларидан деб билишар экан.

Махсус кузатув натижалари эса тест натижалари ишончлилигини исботлади. Навбатдаги тестимиз ўғил болалар ва қиз болалар қўллайдиган енгиб ўтувчи хулқ-атворни ўрганишга мўлжалланган тестдир. Муаммога йўналтирилган енгиб ўтувчи хулқ-атвор низони оқилонга ҳал этишга ёки аниқ ҳаракат ёрдамида инқирознинг олдини олишга қаратилган. Муаммога йўналтирилган хулқ-атвор қуйидаги кўринишларни ўз ичига олади: маълумотни қидириш, муаммони босқичма-босқич ечиш, ёрдам сўраб мурожаат қилиш.

Эмоционал-йўналтирилган хулқ-атвор муаммога йўналтирилган низони ечиш жараёнида пайдо бўладиган ечимсиз ёки ечимини топмаётган ихтилофларга, шунингдек психологик муаммоларга нисбатан психологик адаптацияланишга (мослашишга) қаратилган.

Енгиб ўтувчи хулқ-атвор, айниқса, эмоционал йўналтирилгани, ўз мақсади ва механизмларига кўра психологик ҳимоялар билан умумий жиҳатлари кўп. Аммо у билан солиштирилганда енгиб ўтувчи хулқ-атвор анланганлиги ва борликни бузиб идрок этишга камроқ асосланганлиги билан ажралиб туради.

Ушбу тест натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган:

		Ўсмирлар		Норма
		Ўғил болалар	Қиз болалар	
1	ЕНГИЛЛАШИШ	7,5	6,1	5-6
2	ОҚИЛОНА ҲАРАКАТЛАР	4,3	4,4	5-6
3	МАДАД ИСТАГИ	6,2	6,4	5-6
4	МАТОНАТ	5	4,5	5-6
5	ЧЕТЛАШИШ	7,2	6,6	5-6
6	ТАҚДИРГА ИШОНЧ	6,1	6,3	5-6
7	КЕЧИНМАЛАР НАМОЙИШИ	7,7	7,6	5-6
8	ИЖОБИЙ ТАФАККУР	4,1	4,2	5-6
9	ЧАЛҒИШ	4,5	4,4	5-6
10	ВОҚЕЛИКНИ ЕНГИБ ЎТИШ	4,1	4,3	5-6
11	ИНКОР ЭТИШ	7,6	6,4	5-6
12	ЎЗНИ АЙБЛАШ	6,1	7,2	5-6
13	ТИНЧЛАНИШ	5	5,5	5-6
14	ЭМОЦИЯЛАР НАЗОРАТИ	4,1	4,2	5-6
15	ЖУРЪАТСИЗЛИК	6,2	6,1	5-6
16	ЎЗНИ ЎЗГАРТИРИШ	4,2	5,2	5-6
17	ЖАМИЯТДАН ҚОЧИШ	5,3	5,6	5-6
18	ТИЗГИНЛАШ	6,7	6,8	5-6
19	ЮМОР	7,3	6,1	5-6
20	АЙБНИ БАҲОЛАШ	4,2	6,5	5-6

Батафсилроқ кўриб чиқсак.

Ички низо одатда инсоннинг ўзига номаъкул ва унинг МЕН-МОҲИЯТИГА зид бўлади: нафрат (айниқса яқинларига), қўрқув, ҳасад ва шунга ўхшаш кучли салбий эмоциялар ҳамда туйғулар билан бирга кузатилади. Гоҳида номаъкул бўлиб ҳис-туйғунинг ўзи эмас, балки уни ошкора намоён этиш уят ҳисобланади. Масалан, **ҲАҚИҚИЙ ЭРКАКЛАР ЙИҒЛАМАЙДИ** деб эътироф этилиши. Психологик ҳимоялар таъсирида туйғулар сиқиб чиқарилади ёки бузиб идрок қилинади, баъзан узоқ йиллар мобайнида англолмаган низо ечилмай қолади. Енгиб ўтувчи хулқ-атвор низо ёки инқироз билан боғлиқ салбий эмоция ва туйғуларни намоёйиш этиш учун ижтимоий маъкул йўлни топишга қаратилган; шу билан бирга воқеълик ва туйғулар аҳамияти ҳам тан олинади. Кўпинча топилган йўл тўғридан-тўғри бўлмай, балки айланма ёки билвосита бўлиб чиқади. Енгиб ўтувчи хулқ-атвор низонинг ечилиши ёки психологик хотиржамликка эришиш нуқтаи назаридан самарали ва самарасиз бўлиши мумкин.

Зотан, бундай хулқ-атвор доим ҳам самара беравермайди. Масалан, муаммо ечимини кейинга суриш ҳамда уни вақтинча унутиш баъзи бир ҳолатларда муаммонинг мураккаблашишига олиб келса, бошқа бир ҳолларда, муаммони мушоҳада қилиш, муваффақиятли ечимга олиб келиши мумкин. Асабийлашганда тинчлантирувчи воситалар (дори ёки алкоголь) қўлланилиши баъзан фойда берса, баъзан эса зарар келтиради.

Энди эмоционал йўналтирилган ҳолдаги енгиб ўтишнинг механизмларини батафсилроқ ёритиб берсак. Ҳис-туйғулар намоёйиши, улар қанчалар кучли бўлмасин, имкон даражасида ижтимоий ўзаро мулоқотга киришишга қийинчиликлар туғдирмаслиги зарур. Бу вазиятга қараб, кўз-ёши, самимий суҳбатдаги кўнгилни бўшатиш, кундаликлар, хатлар кўринишида бўлиши мумкин.

Бошқа бир фаолият билан шуғулланиш психоанализдаги сублимация тушунчасига яқин бўлса-да, маъно жиҳатидан биров кенгроқ. Бунда бевосита

амалга ошириш имконияти бўлмаган интилишлар ўз ифодасини топган. Оила тафтидан маҳрум бўлганлар муҳаббат ва меҳрга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида уй жонзотларини боқадилар, касбидан қоникмаганлар ҳар хил хобби ё ижтимоий фаолиятга берилиб кетадилар.

Енгиллашиш тор маънода (психологик ҳимояда аламзадалик) бу салбий эмоцияларни-синдириш, пачаклаш, бузиш мумкин бўлган буюмларга кўчиришдир. Бундай ҳаракатлар одатда атрофдагилар томонидан қораланади. Бироқ моддий зарар катта бўлмай, таъналардан қочиш, имкони бўлса (ёлғизлик), туйғуларни тизгинлашнинг бундай услубини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Енгиллашишга, кенг маънода, салбий эмоциялар билан боғлиқ энергияни ташқарига чиқариш имконини берувчи жисмоний ишлар (спорт, олис сайрлар, оғир уй юмушлари) киради. Мазкур хулқ-атвор ўғил болаларда кучлироқ эканини тадқиқотимиз натижалари кўрсатмоқда

Хаёлот (воқеъликни енгиб ўтиш) истаганига ҳеч бўлмаганда хаёлда етишиш имконини, шу билан бирга, қийин ҳаётий вазиятдан чиқишга кўмаклашувчи куч ва ижобий эмоцияларни беради. Енгиб ўтувчи хулқ-атвордаги ижодийлик самараси юқорида келтирилган барча енгиб ўтувчи хулқ шакллари биргаликдаги ҳаракатига асосланган. У ўринбосар фаолиятнинг ижтимоий маъқулланган кўриниши бўлиб туйғуларни ифода қилиш имконини беради (қоғозда ёки актёрлик ўйинида), шунингдек хаёлотни яратилаётган асарга кўчириш орқали дардни енгиллатади. Енгиб ўтувчи хулқ-атворнинг бу кўриниши ҳам ўғил болаларда кўп учрар экан.

Тизгинлаш (психологик ҳимояларда-сиқиб чиқариш) -бу нохуш ўйлар, иш ва муаммоларни англаган ё чала англаган ҳолда четлаб ўтишдир. Кўп ҳолларда бошқа иш ва ўйларга чалғиш юз беради. Мазкур хулқ-атвор қизларга хос.

Ўғил болаларга хос хулқ-атвор ҳисобланган Четлашиш-бу вазиятни эмоционал таъсиротсиз (гўё эмоциялар ўчириб қўйилгандай) идрок этиш ёки рўй бераётган воқеаларни нореал ҳис қилишдир («бу бўлиши мумкин эмас», «мен билан содир бўлгани йўқ»)

Юмор - муаммони кулгили томонларига урғу бериб қайта англаш. Мазкур хулқ-атвор шакли ҳам ўғил болаларга хос экани аниқланди.

Ниҳоят *енгиб ўтувчи хулқ-атворнинг* энг асосий механизмларидан бири-кадриятларни қайта баҳолаш ва ўзини ўзгартиришдир. Низони ёки инқирозни бартараф қилиш, вазиятни шахсий ривож манбаига айлантириш, қимматли ҳаётий тажрибага эга бўлиш ва яхши томонга ўзгартириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзни кучлироқ, ўзига ишонганроқ ва етук инсондай идрок қилинишга олиб келади. Инқирозлар кадриятлар тизимини ўзгаришига, янги фалсафий ва диний қарашлар билан танишишга асос бўлади. Шунинг учун хоҳ оғир бўлсин, хоҳ фожеали бўлсин, ҳар бир тажриба эзгулик томон ўзликини ўзгартиришга хизмат қилар экан, ижобий аҳамиятга эга бўлади. хулқ-атворнинг мазкур шакли ўғил болаларда қиз болаларникидан бироз пастроқдир.

Юқорида қайд этилган кўрсаткичлар мазмуни маълум маънода Сикевич изланишларида ўз аксини топган.

1999-2000 йилларда Санкт-Петербургнинг катта синф ўқувчиларида ўтказилган репрезентатив сўровда («Петербургнинг мактаб таълими» тадқиқий проекти, 25 мактабнинг 9-11 синфларининг 1150 ўқувчилар сўровдан ўтказилган) уларнинг вояга етишга бўлган ўзига хос қарашлари ошкор бўлган.

Кўзга ташланадиган ҳолат шу эдики, катталар оламига қадам қўйишни истовчи ўспиринлар ниҳоятда оздир (ўртача 11%). Сўралганларнинг 80% катта бўлишни умуман исташмайди. Ваҳоланки, психологларнинг фикрига кўра, балоғатга етиш балоғатга етиш истагидан бошланади. Олимлар мазкур ҳолатни пессимизм эмас, балки инфантилизм яъни бола бўлиб узоқроқ қолиш истаги билан боғлашган.

Бизнинг тадқиқотимиз орқали олинган маълумотлар ҳам маълум маънода шу хулосаларни тасдиқлаётгандай кўринади.

Хулосалар.

Тадқиқотимиз натижаларига кўра қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. Ўсмирлардаги агрессивлик уларнинг фрустрацион ҳолатдаги жавоб реакциялари билан;
2. Улар томонидан қўлланиладиган зиддиятли вазиятларни енгиб ўтишга қаратилган ҳуқ-атвор механизмлари билан белгиланган бўлиб муайян жинсий тафовутларга эга;
3. Ўғил болаларда жисмоний агрессия, негативизм кучлидир;
4. Қиз болаларда эса вербал агрессия ва орқаворотдан бўладиган ё билвосита агрессия шакллари устиворлиги кўзга ташланади;
5. Ўғил болаларда экстрапунитив жавоб реакциялари устиворлиги қайд этилган;
6. Қиз болаларда эса интрапунитив реакциялар устиворлиги аниқланди.
7. Енгиллашиш тор маънода (психологик ҳимояда аламзадалик) ўғил болаларда кучлироқ намоён бўлади;
8. Хаёлот (воқеъликни енгиб ўтиш) истаганига ҳеч бўлмаганда хаёлда етишиш ҳам ўғил болаларда кўп учрар экан;
9. Тизгинлаш (психологик ҳимояларда-сиқиб чиқариш) - қизларга хослиги аниқланди;
10. Ўғил болаларга хос ҳуқ-атвор ҳисобланган Четлашиш-бу вазиятни эмоционал таъсиротсиз (гўё эмоциялар ўчириб қўйилгандай) идрок этиш ёки рўй бераётган воқеаларни нореал ҳис қилишдир («бу бўлиши мумкин эмас», «мен билан содир бўлгани йўқ»);
11. Юмор - муаммони кулгили томонларига урғу бериб қайта англаш. Мазкур ҳуқ-атвор шакли ҳам ўғил болаларга хос экани аниқланди;
12. Ниҳоят *енгиб ўтувчи ҳуқ-атворнинг* энг асосий механизмларидан бири-қадриятларни қайта баҳолаш ва ўзини ўзгартириш шакли ўғил болаларда қиз болаларникидан биров пастроқдир.

Тавсиялар.

1. Агрессив хулқ-атвор шаккланишида оиладаги хулқий моделлар ва интеракциялар ўрни катталигини инобатга олган ҳолда ота-оналар ўзларининг хулқини назорат қилиб туришлари лозим;
2. Агрессив хулқ-атвор шаклланишида ўзини-ўзи баҳолаш механизмлари таъсири юксак эканини инобатга оладиган бўлсак, ўсмирлар билан муносабатларни ўрнатишда улар шахси хусусиятларига тегиниш салбий оқибатларга олиб келишини ёдда тутиш керак;
3. Тарбиячилар ва педагоглар тарбия ва таълим методларини танлашда дифференциал ёндашувни, яъни ўсмирларнинг гендер тафовутларни инобатга олишса мақсадга мувофиқ бўлар эди;
4. Психологлар агрессив хулқ-атвор коррекциясини амалга ошириш чоғида индивидуал-психологик хусусиятларни назардан қочирмасликлари керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙЎАТИ:

1. Каримов И.А. “Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари” “Ўзбекистон”, Тошкент. 1995.- 54-55 -бет.
2. Абдираззаков А.А. Национальные духовные ценности и их место в самосознании нации. Автореф. дис.. канд. философ. Наук. Ташкент, 1994.- 12 с.
3. Абрамова Г.С. Возрастная психология. Учебник для студентов вузов. – Изд., 6-е., перераб. и доп..- М.: Академический Проект, 2001.- 704 с.
4. Анастаси А. Психологическое тестирование: Книга 2; Пер. с англ./ Под ред. К.М.Гуревича, В.И.Лубовского. - М.; Педагогика, 1982.-336 с.
5. Бэрн Р., Ричардсон Д. Агрессия.- СПб.: Питер, 2001.- 352 с.
6. Бурлачук Л.Ф., Морозов С.М. Словарь-справочник по психодиагностике – СПб.: Питер Ком, 1999.- 528 с.
7. Вайнберг Дж, Шумекер Дж. Статистика / пер. с англ. А.А.Клименко и Б.И. Клименко: Под ред. и с предисл. И.Ш.Амирова.- М.: Статистика, 1979.-389 с.
8. Готтсданкер Р.Основы психологического эксперимента: Учеб. пособие. Пер. с англ.- М.: Изд-во Моск. ун-та. 1982.-464 с.
9. Джек Палмер, Линда Палмер. Эволюционная психология. Секреты поведения НОМО SAPIENS. - СПб.: Прайм-ЕВРОЗНАК, 2003.- 384 с.
10. Дружинин В.Н. Экспериментальная психология.- 2-е изд., доп.- СПб.: Питер, 2001.- 320 с.
11. Душков Б.А. Психосоциология человекознания.- М.: ПЕРСЭ, 2003.- 480 с.
12. Елисеев О.П. Практикум по психологии личности. 2-е изд., испр. и перераб.- СПб.: Питер, 2002.- 512 с.
13. Крайг Г. Бокум Д. Психология развития.- 9-е изд.- СПб.: Питер, 2006.- 940 с.

14. Мартин Д. Психологические эксперименты. Секреты механизмов психики.- СПб.: прайм – ЕВРОЗНАК, 2004.- 480 с.
15. Мацумото Д. Психология и культура.- СПб.: Прайм-Евროзнак, 2002.- 416 с. (Серия “Психологическая энциклопедия”).
16. Мельников В.М. Ямпольский Л.Т. Введение в экспериментальную психологию личности: Учеб. пособие для слушателей ИПК преподавателей пед. дисциплин ун-тов и пед. ин-тов.- М.: Просвещение, 1985.- 319 с.
17. Милграм С. Эксперимент в социальной психологии – СПб.: Издательство “Питер”, 2000.- 336 с.
18. Практикум по общей, экспериментальной и прикладной психологии / Под ред. А.А.Крылова, С.А.Маничева.- С-Петербург Питер, 2000.- 560 с.
19. Практическая психология в тестах, или Как научиться понимать себя и других.- М.: АСТ-ПРЕСС, 2000.- 376 с.
20. Райгородский Д.Я. (составитель) Практическая психодиагностика. Методики и тесты. Учебное пособие.- Самара: Издательский Дом “Бахрах”, 1998.- 672 с.
21. Рогов Е.И. Настольная книга практического психолога: Учеб.пособие: В 2-кн.- М.: Изд-во Владос-ПРЕСС, 2002.
22. Росс А., Нисбетт Р. Человек и ситуация: Уроки социальной психологии/ пер. с англ.- М.: Аспект Пресс, 2001.- 429 с.
23. Сапогова Е.Е. Психология развития человека: Учебное пособие.- М.: Аспект Пресс, 2001.- 460 с.
24. Сикевич З.В., Крокинская О.К., Поссель Ю.А. Социальное бессознательное.- СПб.: Питер, 2005.- 267 с.
25. Сикевич З.В. Социологическое исследование: Практическое руководство.- СПб.: Питер, 2005.- 320 с.
26. Сидоренко Е.В. Методы математической обработки в психологии.- СПб.: ООО “Речь”, 2001.- 350 с.

27. Славская А.Н. Личность как субъект интерпретации.- Дубна: Феникс+, 2002.- 240 с.
28. Справочник практического психолога: Психотерапия/ сост. С.Л.Соловьёва.- М.: АСТ.СПб.: Сова, 2005.- 575 с.
29. Фрейд А. Детский психоанализ. – СПб.: Питер, 2003.- 477 с.
30. Хекхаузен Х. Психология мотивации достижения / Пер. с англ.-СПб.: Речь, 2001.- 240 с.
31. Чалдини Р., Кенрик Д., Нейберг С. Социальная психология. Пойми себя, чтобы понять других! (серия “Главный учебник”).- СПб.: Прайм-ЕВРОЗНАК, 2002.- 336 с.
32. Шабельников В.К. Функциональная психология.- М.: Академический Проект, 2004.- 592 с.
33. Шадриков В.Д. Введение в психологию: мотивация поведения.- М.: Логос, 2001.- 136 с.
34. Benedikt Ruth, (1996). The chrysanthemum and the sword. Boston; Houghton Mifflin.
35. Cottak, Conrad Phillip. ANTROPOLOGY: THE EXPLORATION OF HUMAN DIVERSITY/ Conrad Cottak.- 6 th ed. P. 575.

ИЛОВАЛАР

А.Басс ва И.Даркнинг: Агрессия шакллари ва унинг кўрсаткичларини
диагностика қилиш методикаси

Таъкидларни ўқиш ёки эшитиш давомида улар сизнинг ҳаёт тарзингиз, хулқ-атворингизга қанчалар мос келишига қараб қуйидаги тўртта жавобдан сизнинг ҳолатингизга мос тушадиганини белгиланг: «ҳа», «ҳа» десам ҳам бўлаверади», «йўқ», «йўқ» десам ҳам бўлаверади».

1. Гоҳи - гоҳида кимнингдир жонини шундай оғритгим келади-ки, бу истакни ҳеч ҳам енголмайман.
2. Баъзан ўзимга ёқмаган одамлар ҳақида гап сотишим мумкин.
3. Менинг жаҳлим тез, бироқ жаҳлдан тушишим жудаям осон.
4. Мендан яхшиликча сўралмаса илтимосларни бажармайман.
5. Мен ўзимнинг ҳақимни ҳар доим ҳам ундира олмайман.
6. Одамлар орқаворотдан мен ҳақимда гап-сўз қилишларини биламан.
7. Бировлар хатти-ҳаракатини маъқулламасам – бу нарсани уларга секингина сездириб қўяман.
8. Кимнидир алдашга мажбур бўлиб қолсам, виждоним қийналади.
9. Мен ҳеч кимга қўл кўтара олмасам керак.
10. Мен ҳеч қачон қўлга илинган нарсани отиш даражасида жаҳл қилмайман.
11. Бировларнинг камчиликларига доимо кўнгилчанлик билан қарайман.
12. Агар ўрнатилган тартиб менга ёқмаса, уни бузгим келади.
13. Одатда, баъзи одамлар фурсатдан фойдаланиб ўз ишини тўғрилаб олишни яхши билишади.
14. Кутганимдан ортиқ илтифот кўрсатаётган сермулозамат одамлар мени улардан эҳтиёт бўлишга ундайди.
15. Одамлар билан кўпинча муроса қилолмайман.
16. Аҳён-аҳён ўзимни ҳам уялтирадиган ўй-фикрлар миямга келиб туради.
17. Менга тарсаки тортган кишига тарсаки билан жавоб бермайман.
18. Жаҳлимни чиқаришса эшикни қарсиллатиб ёпаман.
19. Мен ювош кўринсамда, аслида жаҳлдорман.
20. Агар кимдир ўзини раҳбардай тутса, атай унга қарши хатти-ҳаракат қиламан.
21. Қисматим мени бироз ранжитади.
22. Мени кўплар ёқтирмаса керак деб ўйлайман.
23. Кимлардир фикримга қўшилмаса - тортишмай туролмайман.
24. Ишдан бўйин товлаганлар ўз айбларини ҳис қилишлари лозим.
25. Мени ёки менинг оиламни мендан кўрадиганини кўрадиган кишигина ҳақорат қилиши мумкин.
26. Кўпол ҳазилларга мойил эмасман.
27. Устимдан кулишса жаҳлим чиқади.
28. Кимлардир кибрга берилиб, ўзгаларни оёғини учи билан кўрсатса, уларнинг попугини пасайтириб қўйиш қўлимдан келади.

29. Деярли ҳар ҳафта ўзимга ёқмаган кишилардан бирортаси билан тўқнаш келаман.
30. Аксарият одамлар менга ҳасад қилади.
31. Одамлардан ҳурматимни жойига қўйишларини талаб қиламан.
32. Ота-онамга кўнгилдагидек қараша олмаганим учун эзиламан.
33. Муттасил жонингдан тўйдирадиганларни жағига бир туширсанг арзийди.
34. Гоҳида жаҳлим чиқса қовоғимдан қор ёғади.
35. Гарчи одамлар менга, аслида ўзим арзиганимдан ҳам ёмон муносабатда бўлсалар-да хафа бўлмайман.
36. Кимдир жиғимга тегишга ҳаракат қилса ҳам мен унга парво қилмайман.
37. Ошқора намоёиш қилмасамда, баъзан ичимда куйинаман.
38. Баъзан одамлар менинг устимдан кулишаётгандай туюлади.
39. Минг аччиғим чиқса, болохонадор қилиб сўка олмайман.
40. Гуноҳларим авф этилишини истар эдим.
41. Кимдир мени урган тақдирда ҳам, камдан кам ҳолларда унга жавоб қайтараман.
42. Баъзи ишлар менинг айтганимдай бўлмаса хафа бўламан.
43. Баъзан одамларнинг борлиги ҳам ғашимга тегади.
44. Мен чинакамига нафратланадиган одамнинг ўзи йўқ.
45. Менинг шиорим: «БЕҒОНАЛАРГА ИШОНМАСЛИК КЕРАК!»
46. Кимдир жиғимга тегса, у ҳақда ўйлаганларимни юзига айтишгача бораман.
47. Қилиб қўйган кўплаб ишларимдан кейинчалик пушаймон ейман.
48. Аччиғим чиқса, мушт туширишдан ҳам қайтмайман.
49. Мен болалигимдан ғазабимни яшириб яшашга ўрганганман.
50. Кўпинча ўзимни сабр косам тўлиб кетгандай ҳис қиламан.
51. Одамлар мен нималарни ҳис қилаётганимни билишса эди, мени мурасасиз, характери оғир инсон деб ҳисоблашган бўлар эди.
52. Одамлар менга нима сабабдан яхшилик қилишар экан, деб ўйлаганим ўйлаган.
53. Менга бақирсалар, мен ҳам овозимни баландлатаман.
54. Муваффақиятсизликлар мени қайғуга солади.
55. Жанжалкашлигим бошқаларникидай: кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас.
56. Ғазабдан қўлимга илинган нарсани отиб синдирган пайтларим ҳам бўлган.
57. Баъзан айнан ўзим биринчи бўлиб жанжал чиқаришим мумкинлигини ҳис қиламан
58. Баъзан қисмат менга нисбатан адолатсиз бўлаётгандай туюлади.
59. Авваллари одамларни самимий деб билардим, энди эса— йўқ.
60. Ғазаблансамгина сўкинаман.
61. Нотўғри иш қилсам виждоним қийналади.
62. Ўз ҳақ-ҳуқуқимни ҳимоя қилиш учун жисмоний куч ишлатиш лозим бўлса-ишлатаман.
63. Баъзан аччиқ устида столни муштлайман.

64. Ўзимга ёқмаган одамларга нисбатан қўполроқ бўламан.
65. Менга зиён етказишни истайдиган душманам йўқ.
66. Жазога лойиқ одамни жазолаш қўлимдан келмайди.
67. Қўпинча нотўғри ҳаёт кечирганлигимни ўйлаб қоламан.
68. Жаҳлимни чиқариб мени муштлашишгача олиб бориши мумкин бўлган одамларни биламан.
69. Арзимаган майда-чуйдаларга ранжимайман.
70. Одамлар менинг жиғимга тегишмоқчи ёки ҳақоратлашмоқчи деган ўйлар камдан кам ҳолларда миямга келади.
71. Қўпинча амалга оширмасамда дўқ-пўписа қилиб қўяман.
72. Охирги вақтда эзма бўлиб қолдим.
73. Бахслашаётганимда овозим ўз-ўзидан баландлаб кетади.
74. Одамларга нисбатан ёмон муносабатда эканимни яширишга ҳаракат қиламан.
75. Тортишиб ўтиргандан кўра, кўниб қўя қоламан.

Енгиб ўтувчи хулқ-атвори аниқлашга қаратилган сўровнома.

Синалувчига бериладиган йўриқнома: Сиз сўнгги йил давомида йўқотиш деб таъриф беришингиз мумкин бўлган ўзингиз учун аҳамиятли воқеани эсланг: яқинингиз ўлими, айрилиқ, жанжал, соғлиқ, мулк, ишни йўқотиш ва ҳ.к. Сўнгги йил давомида бундай йўқотишлар содир бўлмаган бўлса, ёдингизда яхши сақланган бўлак вазиятни танлаб кўринг. Рўйхатда келтирилган тасдиқлардан йўқотиш вазиятида сизда рўй берган кечинмалар ва хулқ-атворингизга хосини танлаб ушбу тасдиқлар рақамини кўчириб олинг. Вазиятнинг ўзини айтиб ёки қисқа таърифини келтиришингиз ҳам мумкин, хоҳишингизга кўра бу ишни қилмасангиз ҳам бўлади. Кейин ҳаётингизга, соғлиғингизга, сиз ва сизнинг яқинларингиз тинчлигига, муносабатларингизга, ҳаётингизда қадриятларингизга бўлган аҳамиятли таҳдидли вазиятни бир эсланг. Таҳдид вазияти бўйича ҳам юқорида қилган амалларингизни қилиб кўринг. Учинчи марта янги танишув, никоҳдан ўтиш ёки фарзанд кўриш, янги иш ёки янги жойга кўчиш, шахсий муваффақиятга эришиш, хуллас янги имкониятлар вазиятлари учун вазифани такрор бажаринг.

Йўқотиш, таҳдид, янги имкониятларни очилиш вазиятида Сиз:

1. Малакали ёрдам олгансиз.
2. Кечинмаларингизни ташқарига чиқармагансиз.
3. Омон-омон замон ҳақида орзу қилгансиз.
4. Шахс бўлиб етилгансиз.
5. Ижодий туртки олгансиз.
6. Ўжарлик билан айтганингизда туриб олгансиз.
7. Дам олмоқчи бўлгансиз.
8. Вазиятни эсламасликка ҳаракат қилгансиз.

9. Вазият устидан кулгансиз.
10. Кўп ухлагансиз.
11. Ишонгингиз келмаган.
12. Ўзингизни айблагансиз.
13. Бировларни айблагансиз.
14. Мўъжизага умид боғлагансиз.
15. Бировдан аламингизни олгансиз.
16. Бироз сабр қилиш кераклигини ҳис қилгансиз.
17. Такдирга, худога солгансиз.
18. Вазият ҳақида кўпроқ маълумот олишни истагансиз.
19. Вазиятнинг бирон-бир яхши томонини қидиргансиз.
20. Яхши нарсалар устида диққатингизни жамлагансиз.
21. Ёрдам олиш мақсадида биров билан суҳбатлашгансиз.
22. Туйғуларингизни юракдан чиқишига имкон бергансиз.
23. Бари ўтгач нима бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳаёл сургансиз.
24. Яхши томонга ўзгарган ҳолда вазиятдан чиққансиз.
25. Ўзгаргансиз.
26. Олдингидан шиддатлироқ уриниш қилиб кўргансиз.
27. Кўпроқ еб-ичгансиз ёки дори истеъмол қилгансиз.
28. Муаммо билан юзма-юз бўлишдан қочгансиз.
29. Вазиятга жиддий муносабат билдирмагансиз.
30. Куч-қувватингизни сақлаб қолиш ҳаракатида бўлгансиз.
31. Нуқтаи назарингизни ўзгартиргансиз.
32. Ўзингизни танқид қилгансиз.
33. Кейин пушаймон еб қолмасликка урингансиз.
34. Ўтмишни ўзгартиришни истагансиз.
35. Салга аччиғланадиган бўлиб қолгансиз.
36. Нима бўлишини кутгансиз.
37. «Бошқаларнинг ишлари меникидан ҳам баттар» деб ўзингизни юпатгансиз.
38. Режали иш тутгансиз.
39. «Эртага яхши бўлади» деб ўзингизни овутгансиз.
40. Маслаҳат сўрагансиз.
41. Ўз кечинмаларингиз ҳақида гапиргансиз.
42. Бўлмагур нарсаларни ўйлагансиз.
43. Янги динни қабул қилгансиз.
44. Бирон-бир янгиликни ўзлаштиргансиз.
45. Эски ҳаёт тарзида қолгансиз.
46. Ўзингизни тинчлантириш усуллари қўллагансиз.
47. Вазият хусусида ўйламасликка ҳаракат қилгансиз.
48. Вазиятнинг кулгили томонларини қидиргансиз.
49. Ечимини кейинга сургансиз.
50. Муаммо бор деб ҳисоблашдан қочгансиз.
51. Барча юкни ўз елкангизга ортгансиз.

52. Мавжуд вазиятга мослашишга ҳаракат қилгансиз.
53. Ушбу вазият йўқ бўлиб қолишини истагансиз.
54. Бирон бир нарсани синдириб, пачоқлагансиз.
55. Ҳеч нарсани ўзгартириш имкони бўлмаган.
56. Қисмат экан деб кўнгансиз.
57. Вазиятни таҳлил қилгансиз.
58. Мадад қидиргансиз.
59. Туйғуларингизни назорат қилгансиз.
60. Қадриятларингизни қайта кўриб чиққансиз.
61. Ўзингизни янгидан англай бошлагансиз.
62. Ўзингизни ҳеч нарса бўлмагандай тутгансиз .
63. Ўз фаолиятингизни ўзгартиргансиз.
64. Диққатингизни вазиятнинг кейинги босқичига қаратгансиз.
65. Иш моҳиятини бировларга билдирмагансиз.
66. Ўзингизни бўлиб ўтаётган воқеалар сиз билан эмас, бошқа биров билан содир бўлаётгандай тутгансиз ўзингизни.
67. Ўзингизни айбдордай ҳис қилгансиз.
68. Шошилиш қарорларингизни қайта кўриб чиққансиз.
69. Барчаси тезроқ ниҳоя топишини истагансиз.
70. Вазиятга боғлаб тўғридан тўғри ҳаракат қилгансиз.
71. Олий кучларга ишонч ҳосил қилгансиз.
72. Ўз ҳис-туйғуларингизни очиқ намоён қилгансиз.
73. Хаёллар суриб вақт ўтказгансиз.
74. Ҳиссий ҳатти-ҳаракатлар рўй бермаган.
75. Бўлак нарсалар ҳақида ўйлагансиз.
76. Ҳаракатларингизни босқичма-босқич амалга оширгансиз.
77. Бошқалардан бегоналашгансиз.
78. Ўйлангансиз-у қарор қабул қилмагансиз.
79. Ўзингизнинг ташвишларингизни бировларники билан солиштиргансиз.
80. Эҳтиёжларингизнинг қондирилишини бўлак жойдан ахтаргансиз.
81. Сабабларни қидиришдан қочгансиз.
82. Айбдорни излагансиз.

Таянч тушунчалар

1.	Фрустрация	Фрустрация	Frustration
2.	Толерантлик	Толерантность	Toleration
3.	Талаба	Студент	Student
4.	Низо	Конфликт	Conflict
5.	Фрустрацион ҳолат	Фрустрационная состояния	Frustration condition
6.	Эҳтиёж	Потребность	Necessity
7.	Тарбия	Воспитание	Education
8.	Қийнчилик	Трудность	Difficulty
9.	Мақсад	Цель	Aim
10.	Тўсиқ	Припятствие	Barrier
11.	Агрессия	Агрессия	Aggression
12.	Депрессив ҳолатлар	Депрессивные состояние	Depressive conditions
13.	Жавоб реакцияси	Ответная реакция	Answer reaction
14.	Махрумлик	Лишение	Loss
15.	Йўқотиш	Потеря	Destruction
16.	Экзистенциал фрустрация	Экзистенциальная фрустрация	Existential frustration
17.	Депривация	Депривация	Deprivation
18.	Кечинма	Переживание	Cark
19.	Зўриқиш	Напряжение	Stress
20.	Айбдорлик ҳисси	Чувство вины	To bear guilt for
21.	Экстраверсия	Экстраверсия	Extraversion
22.	Интроверсия	Интроверсия	Introversion
23.	Нейротизм	Нейротизм	Neurotism
24.	Психик ҳолат	Психическое состояние	Physiologic condition
25.	Шахс хусусияти	Личностные качества	Personal quality
26.	Инқироз	Кризис	Crisis
27.	Базал фрустрация	Первичная фрустрация	First frustration
28.	Иккиламчи фрустрация	Вторичная фрустрация	Second frustration
29.	Адекват баҳо	Адекватная оценка	Adequate valuation
30.	Тоқатлилиқ	Терпеливость	Patience
31.	Мутахассис	Специалист	Specialist
32.	Мослашув	Адаптация	Coordination
33.	Фаолият	Деятельность	Activity

34.	Эмоционал таъсир	Эмоциональное реагирование	Emotional reaction
35.	Фиксация	Фиксация	Fixation
36.	Регрессия	Регрессия	Regression
37.	Муаммо	Проблема	Problem
38.	Принципиаллик	Принципиальность	Principles
39.	Ташкилотчилик	Организаторство	Organizing
40.	Ижтимоий-сиёсий тафаккур	Социально-политическое мышления	Sociopolitical thinking
41.	Дунёқараш	Кругозор	World outlook
42.	Ўзини-ўзи баҳолаш	Самооценка	Self-appraisal
43.	Рефлексия	Рефлексия	Reflection
44.	Шахслараро муносабат	Межличностные отношения	Interpersonal relationship
45.	Ўзини-ўзи тарбиялаш	Самовоспитание	Self-education
46.	Қадриятлар	Ценности	Values
47.	Психологик тренинг	Психологический тренинг	Psychological training
48.	Психологик қўллаб-қувватлаш	Психологическая поддержка	Psychological support
49.	Ривожлантириш	Развивать	Developing
50.	Психологик омил	Психологический фактор	Psychological factor

**Низомий номидаги ТДПУ Педагогика ва психология факультети 404-
гуруҳ талабаси Жовунов Комил Қўлдошевичнинг «Ўсмирлик даврида
агрессив ҳолатларни намоён бўлишининг гендер фарқлари»
мавзусидаги битирув малакавий ишига**

АННОТАЦИЯ

Битирув малакавий ишда агрессив ҳуқ-атворнинг гендер хусусиятлари ўрганилди. Тадқиқот ишида агрессия тўғрисидаги илмий-адабий манбаалар таҳлили амалга оширилди. Муаммонинг методологик негизларига алоҳида тўхталган.

Тадқиқот объекти: 60 нафар ўсмир.

Тадқиқот предмети: агрессив ҳуқ ва агрессив ҳуқ атвор детерминантлари.

Тадқиқот методлари: Басс-Даркнинг «Агрессив ҳуқ-атвор шакллари ўрганиш» сўровномаси, «Хуқ атвордаги копинг-стратегиялар» сўровномаси, Шахснинг ўз-ўзига берадиган баҳосини аниқлашга ёрдам берадиган Лири-Собчик методикаси, С.Розенцвейгнинг «Фрустрацион тести».

АННОТАЦИЯ

На тему «Гендерные различия проявления агрессии в подростковом возрасте» студента 404 группы факультета Педагогики и психологии ТГПУ имени Низами Жовунова Комила Кулдашевича

В выпускной квалификационной работе изучены детерминанты агрессивного поведения. В ходе исследования проведён обзор научной литературы посвящённой агрессии. Особый акцент сделан на методологических основах проблемы.

Объект исследования: 60 подростков.

Предмет исследования: агрессия и детерминанты агрессивного поведения.

Методы исследования: опросник Басса-Дарки “Изучение форм агрессии”, опросник “Копинг-стратегии поведения”, опросник на изучение самооценки Лири-Собчик, “Фрустрационный тест” С.Розенцвейга.

ABSTRACT

On the topic of "Gender differences aggression in adolescence" 404 student groups Faculty of Pedagogy and Psychology Tashket State University named after Nizami Zhovunov Komil Kuldashevich

In the final qualifying work studies the determinants of aggressive behavior. In the study, a review of the scientific literature devoted to aggression. Particular emphasis is placed on the methodological foundations of the problem.

Object of study: 60 teenagers.

Subject of study: determinants of aggression and violent behavior.

Methods: Questionnaire Bass-Darky "The study forms of aggression," questionnaire "Coping strategies of behavior," the study of self-assessment questionnaire on-Sobchik Leary, "Frustration test" S.Rozentsveyg.

Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети
“Педагогика ва психология” факультети 4-курс талабаси Жовунов
Комил Қўлдошевичнинг
“Ўсмирлик даврида агрессив ҳолатларни намоён бўлишининг гендер
фарқлари” мавзусидаги битирув малакавий ишига

ТАҚРИЗ

1. Мавзунинг долзарблиги: Мавзу бугунги Ўзбекистонда кечаётган кескин иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ўзгаришлар палласида ўта муҳимлиги билан ажралиб турибди. Зотан ёш авлодни тарбиялашдаги ҳатолар кейинги жамият тараққиётида салбий оқибатлар олиб келиши мумкин.

2. БМИ мазмунининг қўйилган мақсад ва шакллантирилган вазифаларига мослиги: БМИ кириш қисмида қўйилган мақсад, вазифалар, илмий фараз мантиқий изчилликда бир-бирини тўлдириб туради.

3. Ишнинг асосий афзаллик жиҳатлари: агрессияни намоён бўлишида гендер тафовутларни ўрганилганлиги, методикаларнинг мақсадга мувофиқ танланганлиги ва илмий ҳулосалар берилганлиги.

4. Натижаларнинг илмий асослилиги ва ишнинг амалий аҳамияти: илмий тадқиқот ишининг натижалари мантиқий асосланган ва амалий тадбиқий жиҳатлари тўқис очиб берилган

5. Ишнинг ЎЗРОУМТВ талабларига мувофиқлиги: БМИ ЎЗРОУМТВ талабларига мувофиқ келади. Барча талабларга жавоб беради.

6.Ишдаги камчиликлари: асосий камчиликлари имло ва стилистик жиҳатлар билан боғлиқ. Айрим жойларда мантиқий изчиллик биров узилган.

7. Ҳулоса: Битирув малакавий ишни ижобий баҳолаша бўлади.

Тақризчи: психология фанлари номзоди, доцент Л.Турсунов

Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети
“Педагогика ва психология” факультети 4-курс талабаси Жовунов
Комил Қўлдошевичнинг
“Ўсмирлик даврида агрессив ҳолатларни намоён бўлишининг гендер
фарқлари” мавзусидаги битирув малакавий ишига

РАҲБАР ХУЛОСАСИ

БМИ мавзуси: “Ўсмирлик даврида агрессив ҳолатларни намоён бўлишининг гендер фарқлари”

1. Мавзунинг долзарблиги: Битирув малакавий иш мавзуси давлат сиёсатида кўрсатилган тарбиявий соҳага доир мақсад ва вазифаларга мос келади.

2. БМИ мазмунининг қўйилган мақсад ва шакллантирилган вазифаларига мослиги: Жовунов Комил ўз битирув малакавий ишида кўрсатган мақсад ва вазифалар ўзаро муштарақ ҳамда бир-бирини тўлдириб турувчи яхлитликни ташкил қилади.

3. БМИнинг илмий амалий даражаси: битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти айни даврда юзага келаётган айрим тарбия билан боғлиқ қийинчиликлар ва уларни бартараф этиш имкониятларини кенгайтириш масалалари билан юксак даражада белгиланади.

4. БМИнинг мустақил бажарилганлик даражаси: тадқиқот ишини амалга оширган Жовунов Комил ўзининг тиришқоқлиги ва ҳаракатчанлиги билан кўзга ташланди деса бўлади.

5. Манбаалардан тўлиқ фойдаланилганлиги: илмий-адабий манбаалардан кенг, имкони борича фойдаланган.

6. Адабиётлар билан ишлаш, ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш, статистик материалларни таҳлил қилиб жадвал ва диаграммаларда умумлаштириш кўникмаси: Адабиётлар билан ишлаш, ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш, статистик материалларни таҳлил қилиб жадвал ва диаграммаларда умумлаштириш кўникмаларида айрим жузъий камчиликлари учраб туради. Бу ҳол асосан, интерпретация қилиш масалалари билан боғлиқ.

7. Илмий изланиш учун танланган методикаларнинг асослилиги: илмий изланиш учун танланган методикалар битирув малакавий иш мақсади ва вазифаларига адекват тарзда танланган.

8. Мустақил илмий ва амалий хулосалар чиқара олиш кўникмаси: Мустақил илмий ва амалий хулосалар чиқара олиш кўникмаси яхши шакллантирилган.

9. Тадқиқот натижалари бўйича чиқарилган хулоса ва тавсияларнинг аҳамияти: Тадқиқот натижалари бўйича чиқарилган хулоса ва тавсияларнинг аҳамияти кўп жиҳатдан мавзунинг долзарблиги билан белгиланади.

10. БМИнинг расмийлаштирилиш сифати: БМИ ЎЗРОУМТВ талабларига мувофиқ бўлиб барча талабларга жавоб беради.

Илмий раҳбар: _____ психол.ф.н. Б.М.Ботиров